

# УЙГУН

.



**УЙҒУН**

**ДОСТОНЛАР**

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЕТ ВА САЊАТ НАШРИЕТИ**  
**Тошкент—1972**

*Отахон шоир Уйғун  
бахт ва баҳор куйчиси  
сифатида маълум  
ва машҳурдир.  
Унинг она ер  
гўзаллиги ҳақидаги,  
муҳаббат ҳақидаги  
талай шеърлари,  
шунингдек „Жонтемир“,  
„Украина еллари“ каби  
қатор достонлари  
шеър мухлисларига аллақачон  
ёд бўлиб кетган.  
Қўлингиздаги китобга  
Уйғуннинг ўн бешта  
йирик шеърий полотноси  
жамланган бўлиб,  
уларда табиат ва инсон,  
инқилоб ва кишилар тақдири,  
садоқат ва бурч мавзулари  
уйғунона катта илҳом  
билан чизилгандир.*

# МАРТ КУНЛАРИДА

## I

### БАҲРИ

Қайнананинг юзи буришиб,  
Баҳриойни жеркиб уришиб:  
«Қуриб кеткур қайга борасан,  
Салимжондан рухсат олмасдан?..  
Кетсанг агар ундан, ўласан,  
Сўзларимга, қулоқ солмасдан».  
Дея қарғаб жағи тинмайди.  
Баҳриойнинг кўнгли синмайди:  
«Сўзингизга қулоқ солмайман,  
Байрам куни уйда қолмайман,  
Салимжоннинг менда ҳаққи йўқ.  
Женотдел бор, менинг кўнглим тўқ!»  
«Вой жувонмарг, кимдан ўргандинг,  
Бутун бошли эрни қарғашни?  
Хотин киши майрам қилармиш!..  
Бундай ишни қачон кўргандинг?!»

Баҳри энди ортиқ сўзламай,  
Пинак бузмай, сира ўйламай,  
Паранжини четга ташлайди,  
Эшик сари юра бошлайди.  
Муштарини тугиб, асабий,  
Кампир вайсай-вайсай қолади.  
Ғазабидан қақшаб, қалтираб,  
Қарғай-қарғай жағи толади...

## II

### Х А Й Р И

Хайри севинчлар-ла, қип-қизил  
Бўйинбоғни боғлаб олади.  
«Юринг, юринг!» дея қистаб, сўнг  
Опасини йўлга солади.  
Гулсинойнинг кўзи жавдираб,  
Ҳар томонга тинмай қарайди.  
Ҳар янгини кўрса севиниб,  
Сиглисидан шошиб сўрайди...  
Пионер клубга етгунча,  
Билганини тинмасдан сўзлар.  
Янги ҳаёт нурига тўлиб  
Ярқирайди бахтиёр кўзлар.

## III

### Қ У М Р И Ҳ А М У М Р И

Қумри билан Умри кўпдандир  
Комсомолга кириб олганлар.  
Баҳор каби яшнаб, очилиб,  
Дилларига нашъа солганлар.

Анор юзларида севинчлар  
Майда-майда тўлқин уради.  
«КИМ» нишони кўкракларида  
Ёлқин каби порлаб туради.

Эркин ҳаёт қизи бўлганда,  
Ўтмишини қарғаб сўкканлар.  
Чиммат билан, қора ерларга  
Ҳасрат, аламларни тўкканлар.

Қумри шошиб дейди: «Уртоқжон,  
Сен клубга қачон борасан?  
Соат олтилардан кечиксанг,  
Маърузадан қуруқ қоласан».

Умри жавоб берар жилмайиб:  
«Айтмасанг ҳам ўзим биламан.  
Маърузадан сўнгги концертда,  
Ҳатто, иштирок ҳам қиламан».

Меҳнат, китоб, дўстлар ҳақида  
Суҳбат қизғин давом этади.  
Эсларига тушганда Сора,  
Ғазаблари тошиб кетади.

— «Қачонгача Сорани, ахир,  
Паранжида сақлайди Олим?  
Маҳрум этиб эрк қуёшидан,  
Нега бунча қийнайди золим?»

— «У тулкининг ифлос юзини,  
Мажлисда биз очиб ташлаймиз.  
Сорахонни, дўстлари каби,  
Эркин ҳаёт сари бошлаймиз!»

Дея қизлар аҳд этишади  
Ва аҳдида туришар маҳкам.  
Кўзларида бахт, севинч порлар,  
Байрам куни нақадар кўркам!

#### IV

Букун байрам... хурсанд кўнгиллар  
Мавж уради... нашъа сочилган.

Баҳор янглиғ, эркин қалбларда  
Севинчлардан чечак очилган...

Букун яшнаб, сўлгин дийдалар  
Озодлик нурига қонади.  
Эскиликка қарши ўт сочиб  
Юракларда исён ёнади.

Букун баҳор, нурли бир кундуз,  
Кўчаларда ҳаёт қайнайди.  
Олтин шуълаларга кўмилиб,  
Қизил байроқ кулиб ўйнайди.

Эҳ, ана кўрдингми қизларни  
Паранжи, чочвонни тўплашиб  
Ўт қўйди, ёндирди, кул қилди,  
Эҳ, яна дилларни гул қилди.

Зебигардан, қўлтиқтуморлар  
Парча-парча бўлиб синади.  
Енгилган ҳаётнинг кўзлари  
Юмилади... жимжит тинади.

Бўйтумор ўрнига галстук  
Бойланади қизлар бўйнига.  
Қип-қизил чечаклар сепамиз  
Яшнаган ҳаётнинг қўйнига.

Фабриклар, заводлар, колхозлар  
Хотин-қизлар билан тўлади.  
Ҳасрат, аламларнинг юзлари  
Сарғаяди, мутлақ сўлади.



Бу кун қумриларнинг кўзида  
Севинчлардан тўлқин кезади.  
«Эрк, эрк» дея учган овозлар,  
Ёв қалбини янчиб эзади.

Бу кун баҳор... нурли бир кундуз  
Қизил чечак сочиб ўйнайди.  
Кўнгилларни гулдек яшнатиб,  
Мавж уради, ҳаёт қайнайди...

*1929. Март*

# КОЛХОЗЧИ ҚИЗ

Баҳорларнинг чаман қўйнида  
Трактордан қўшиқ тинглаган;  
Қизил рўмолини учириб,  
Ишлаган, чарчашни билмаган,  
Иш севган кучли қиз, Аноргул,  
Шу қизил юлдузни кулдириб,  
Яшнатиб кўксингга тақибсан.  
Ҳаётнинг чаманзор бағрига  
Умидвор кўзлар-ла боқибсан.

Кенг далалар, зумрад боғларга  
Баҳорнинг лаблари текканда,  
Уфқ ёқут кўйлак кийганда,  
Тонг кулганда сени кўргандим.  
Коллектив-ла бирга ишларнинг  
Ғўза эккан колхоз ерида...

Қора ер кўксини парчалаб,  
Тракторлар ўйин соларди.  
Пўлат отга минган йигитлар,  
Меҳнатнинг завқига толарди.

Бир ёнда хотин-қиз, ёш-яланг,  
Терга ботиб ишга берилган.

Бир ёнда чол-кампир аралаш,  
Камситилмай сафга терилган.

Барча бирдек тинмай ишларди,  
Қишлоқда «жон ман» деб билинган.  
Ҳўкиз, омоч, кетмон... барчаси  
Сафарбар деб эълон қилинган.  
Болалар ҳам дастёр бўлишиб,  
Катталардан сира қолмайди.  
Гоҳ унда, гоҳ бунда чопишиб,  
Енгил оёқлари толмайди.

Каримча ҳам колхозчиларнинг  
Келтирарди ошу нонини.  
Қувонарди кампир онаси,  
Ўргилай деб, қоқиб жонини...

Чўлларга, қирларга, боғларга  
Баҳорнинг гул тани тийганда,  
Уфқ ёқут кўйлак кийганда,  
Ҳаёт, иш денгизи қайнарди.  
Бирга тепиб, бирга юраклар  
Умидларга тўлиб ўйнарди.

Шу ҳаётга узоқ тикилиб,  
Ҳавасларга тўлиб боқдим мен.  
Дамларнинг завқига кўмилиб,  
Шу чамандан чечак тақдим мен.

Эҳ, бу ҳаёт шунча дилбарки,  
Қучоқлаб бағрига тортади.  
Эҳ, бу ҳаёт, шунча гўзалки,  
Кундан-кун чамани ортади!

## II

Эслийсанми, дўстим Аноргул,  
Эслийсанми қора кунларни?  
Алам билан тўлиб ётарди,  
Эслийсанми машъум тунларни?

Юраклар илвираб, эзилиб,  
Дилларни ғам ўти ёқарди.  
Қамчилар-ла танлар тилиниб,  
Кўзлардан қонли ёш оқарди.

Шу баланд, оқ мармар қуббали  
Тоғлар этагига солинган,  
Кумуш сувлар оқиб теграси,  
Боғлар билан ўраб олинган.

Шу гўзал қишлоқнинг қўйнида,  
Тўлан деган бир бой яшарди,  
Қўй, туя, йилқиси ҳеч ерга  
Сигишмасдан, тўлиб-тошарди.

Донги кетган Тўланбой эди.  
Қишлоқнинг бирдан-бир хўжаси.  
Унинг учун эди қишлоқнинг  
Товуғидан тортиб жўжаси.

Қайфу сафо, севинчлар фақат  
Айланарди шунинг бошида.  
Тўлан солган заҳар ётарди  
Камбағалнинг еган ошида...

Ёдингдами, бир кун, Аноргул,  
Олиб кетди зўрлаб опангни?

## 12

**«Қаршилик қилдинг» деб урганди,  
Қора қонга белаб отангни.**

**Шундан кейин онанг бечора  
Йиғлай-йиғлай кўзи кўр бўлган.  
Тўланбойга қарши отангнинг  
Ғазаблари яна зўр бўлган.**

**Тўланнинг базмини кўрмаган  
Қишлоқда ҳеч бир қиз қолмаган.  
Кўп гуноҳсиз диллар ўзини  
Ёш тўкишдан тия олмаган.**

**Опанг шу жафоли кунларда  
Озиб, билаклари қил бўлган.  
Ҳасратларга тўлиб юраги,  
Юзлари сарғайиб сил бўлган.**

**Ҳе, кўплари маъсум қизларнинг  
Улим чангалига илинган.  
Отанг каби бечораларнинг  
Қамчилар-ла тани тилинган...**

### **III**

**Эҳ, кўпдандир, қора кунларнинг  
Қоронғи тонглари ёришган.  
Меҳнатнинг баҳори гул ёзиб,  
Ёвлар қора қонга қоришган.**

**Трактор ўйнатган қўлларда  
Тўланларнинг боши янчилган...  
Ҳеч омон бермасдан найзалар  
Душманнинг кўксига санчилган.**

Биламан, Аноргул, бу ерда  
Еппасига колхоз тузилган.  
«Арвоҳи» чирқираб, хор бўлиб,  
Тўланларнинг уйи бузилган...

Мана боқ, қишлоқнинг барчаси,  
Бир рўзғорнинг ўғил-қизлари!  
Баҳор каби яшнаб, очилиб,  
Қулаётир ҳаёт юзлари...

Эҳ, шу эркин, гўзал қирларда  
Севинчларинг, дўстим, ўсади.  
Сен ўстирган оппоқ чаманлар  
Чўлларнинг кўксини тўсади.

Кенг далалар, зумрад боғларга  
Баҳорнинг лаблари тийганда,  
Кумуш терга ботиб ишлардинг,  
Уфқ ёқут кўйлак кийганда.

Мана энди бошқа бир фасл,  
Булутлардан инжу ташланди.  
Иш билан қайнаган қирларда  
Йиғим-терим вақти бошланди.

Иш севган, курашчан, дадил қиз!  
«Оқ олтин»ларингни тердингми?  
Қизил карвон бўлиб, тизилиб,  
Заводга уларни бердингми?

*1930. Октябрь*

## Ж О Н Т Е М И Р

На хотин, на фарзанд кўрмаган,  
Қимсасиз, бечора, бир йигит;  
Кулбасиз, тўшаксиз, яланғоч,  
Ҳаётнинг завқини сурмаган,  
Роҳат кўрмай ўтган бир умр,  
Кулфат билан ўсган подачи —  
Чўпон эди, бизнинг Жонтемир...

На кўкнинг фонари ўчмасдан,  
На юлдуз сайр этиб, кўчмасдан,  
На уфқ ўрамай ёқут-зар,  
На булут силкитмай олтин пар,  
Тонг кулмасдан бурун турарди.  
Тўрвасига солиб нонини,  
Таёғини судраб, кўнгилсиз,  
Пода ҳайдаб қирга кетарди,  
Майса гиламларга етарди.

Балки, у ерларда кўп дилбар,  
Манзаралар жилва қилгандир...  
Балки, у ерларда соз чалиб,  
Базм қуриб нозли булбуллар,  
Қалбига севинчлар илгандир...  
Дайди еллар ўйнаб эсганда,

Майсалар бағрини кезганда,  
Ранг-баранг чечаклар тўлганиб,  
Жозибали кулиб боққандир...  
«Бечора Жонтемир келди» деб,  
Овламоқчи бўлиб кўнглини,  
Балки, қушлар қанот қоққандир...  
Балки, ширин бир қўшиқ бошлаб,  
Қитиқловчи бир оҳанг ташлаб,  
Кумуш сувлар тоғдан қуйига,  
Дона-дона бўлиб сочилиб,  
Кўнғироқлар чалиб оққандир...  
Қирчиллама, шўх йигитлардай,  
Пинак бузмай, чордана қуриб,  
Кўк беқасам кийиб эғнига,  
Оқ тагдўзи — кумуш дўпписин  
Чаккасига аста қўндириб,  
Мўйлов бураб, жилмайиб тоғлар,  
Балки йўлларига боққандир...

Йўқ! Унинг аламли қалбига  
Булар ором бера олмаган!  
Чечак табассуми кўнглига  
Зарра қадар роҳат солмаган!  
Зотан, нечук севинч бахш этсин?  
Ҳар ифлос оғиздан тўкилган  
Ҳақорат қалбига ётсин-да;  
Дилларида жароҳат очиб  
Учли ханжар каби ботсин-да;  
Кулфатли дамларнинг чангали  
Ҳалқумидан бураб тутсин-да,  
Аламлар-ла бечора йигит,  
Ош ўрнига заҳар ютсин-да;  
Чечаклар унга завқ берармиш!  
Булбуллар тасалли терармиш!..





Йўқ! У чоғлар, унинг қалбига  
Қўйилганди ғамнинг тўшлари,  
Кўнгил боғларига яйраб келиб,  
Кўнолмаган севинч қушлари...  
Ута берган шавқ беролмайин  
Водийларнинг баҳор чоғлари.  
Қола берган завқ беролмайин  
Табиатнинг гул қучоқлари...  
Унинг юрагига, гул кулгуси,  
Оғир йиғи бўлиб туюлган,  
Булбул товушлари, сув қўшиқлари,  
Аччиқ фарёд бўлиб қўйилган...  
Ўтмишнинг жафоли қўйнида  
Жонтемирлар жуда кўп бўлган:  
Бири батрак, бири чоракор,  
Бири малай, бири нонга зор,  
Бири чўпон, бири камбағал,  
Бири гадой бўлган, бири хор...  
Барча уқубатни, барча меҳнатни  
Ёлғизгина шулар кўтарди.  
Кўздан қон оқиб, асабий, бўғиқ  
Нола билан кунлар ўтарди...  
Буларнинг шаънига ҳаромхўрлар  
Минг турли ҳақорат тақдилар.  
Зулук каби сўриб қонларини,  
Миясида ёнғоқ чақдилар.  
Зили замбил бўлиб кўҳна қишлоқ,  
Шуларнинг устига қурилди.  
Ишламаган бўлди фароғатда,  
Ишлаганлар четга сурилди.  
Борлиқни йиғлатди, кўкни тутди  
Шуларнинг ноласи, шуларнинг оҳи.  
Қанча сўлғин оқшом,  
Қанча қонли тонг,

Шу оҳларнинг бўлди гувоҳи...  
Фақат, улар, сира берилмай,  
Илгарига қараб кетдилар.  
Хўжаларга қарши омонсиз,  
Зўр курашда давом этдилар...  
Озодлик машъали байроқ бўлди,  
Буюк тўлқин ясаб юрдилар.  
Тарихнинг рулини, ғилдирагини  
Саодат боғига бурдилар...

Ойлар ўтди, йиллар айланди,  
Анча сувлар оқиб кетдилар.  
Зафарларга зафар бойланди,  
Минутлар шон тақиб ўтдилар.  
Жонтемирлар кураш сўнггида,  
Олов сочиб отган тонгларнинг  
Қайноқ нафасидан куч олиб,  
Дилга қувват ва ором солиб,  
Ботир ишчиларнинг изидан,  
Упиб зафарларнинг юзидан,  
Севинчли кунларга етдилар...

## II

Кун совуқ. Қийшанглаб изғирин,  
Юзларни чимчилаб оларди.  
Онда-сонда қор учқунлари  
Ойнинг кўк нурига кўмилиб,  
Ойнинг кўк нурида чўмилиб,  
Олмос каби ялтираб, аста  
Ел билан ўйнашиб қоларди...

. . . . .  
. . . . .

Мажлис битди, сўзлар тугади,  
Сайланганлар дарров турдилар...  
Юракда ўч ўти ёқилди...  
Эл ётарга яқин, тўсатдан,  
Сариқ дарвозанинг халқаси  
Асабий бир тусда қоқилди...  
«Ким экан у... шундай... бемаҳал...  
Дарвозани келиб урувчи?..  
Ким экан у, шундай кечада...  
Ваҳмали бир ғавғо қурувчи?..  
Бир ярамас шарпа сезгандай,  
Йиртилардай бўлиб томоғи,  
Нега қақшаб қолди Олапар?  
Юз бермаса эди бир хатар...»  
Деди-да, Турдининг юраги  
Орзиқиб, ёмон бир сапчиди.  
Ҳалқумига тиқилди дами.  
Қўл-оёғи, бутун гавдаси  
Кузги япроқ каби қалтираб,  
Кўз олди жимирлаб, ялтираб,  
Турдининг қовжироқ нафаси,  
«Ким...м...» дея бўшашиб чўзилди.  
Нима қилсин энди шу дамда?..  
Биров келиб кўмак бермайди,  
Унинг қанотлари қайрилган,  
Дабдабаларидан айрилган.  
Нима қилсин энди шу дамда?..  
Хароба, қоронғи кўнглига  
Яна зўр ваҳмалар ёндашди.  
Телбалардек, Турди, ниҳоят  
Эшик занжирига тармашди...  
Арғумоқнинг узангисини  
Чираниб-чираниб тепганда;  
Ҳар батракка қараб, хўмрайиб,

Қаҳри ғазабини сепганда;  
Урма қамчисини ўйнатиб,  
Чаккаларни тилиб, ёрганда;  
Танларини кесиб, кўпларни  
Қора қонга белаб қорганда;  
Мағрур бўлиб юрган эди-ку?  
Нега энди фарёд чекади?  
Нега энди кўз ёш тўкади?  
Йўқ! Унинг кўксига етган қўл —  
Миллионларнинг темир чангали!  
Нега энди омонлик тилар,  
Маҳв этишнинг етганда гали?!  
Бизнинг одат эмас, курашда,  
Оз бўлса-да ёвга ён бериш.  
Бизнинг одат эмас чекиниш,  
Балки:— енгиш, ёки:— жон бериш!  
Фарёдига қулоқ солиш йўқ!  
Бизда иккиланиб қолиш йўқ!  
Турдибойлар ўлимга маҳкум.  
Ғолиб чиқди эркин насллар.  
Қишилиқнинг бахтига тушган  
Ҳашаротни енгди асиллар.

### III

Бошланди, қишлоқнинг кўксида  
Янги бир ҳаётнинг чамани.  
Бошқа тусга кирди эски қишлоқ,  
Гулзор бўлиб, гул бўлиб тани.  
Увалган, жонсарак, бедармон  
Рўзғорларнинг бир қилиб барин,  
Ёппасига колхоз туздилар.  
Нурлантириб тарих дафтарин,  
«Қизил Октябрь» деб номини,

Олтин суви билан ёздилар.  
Бошлади қишлоқнинг юраги  
Янги қувват, янги қон билан,  
Янги суръат, янги шон билан,  
Ҳайқирмоққа давр қўширин.  
Куёшнинг нурида чўмилди  
Далаларнинг чечак — патлари.  
Қишлоқнинг яшнаган қўйнида  
Кишнади, ҳайқирди, гуркираб,  
Путиловнинг пўлат отлари.  
«Яшнасин колхоз» деб, ёзилган лавҳа  
Товланди кунларнинг бўйнида...

Дамлар ўтди. Кунлар айланди.  
Зарбдор бўлиб бизнинг Жонтемир  
Бригадир бўлиб сайланди.  
Эҳ унинг аламли кўнглида  
Кўпдан энди баҳор очилган.  
Темир мускулига қон тўлиб,  
Дилларида наҳор очилган.

На кўкнинг фонари ўчмасдан,  
На юлдуз сайр этиб, кўчмасдан,  
На уфқ ўрамай ёқут-зар,  
На булут силкитмай олтин пар,  
Тонг кулмасдан бурун Жонтемир  
Қуюқ бир завқ билан туради.  
Бригадасини уйғотиб,  
Пўлат отларини ўйнатиб,  
Экиш майдонига юради...  
Буларни қаршилаб, буларни севиб,  
Чечаклар тўлғаниб, қушлар сайраб,  
Тонг еллари ғир-ғир уради...

Катта мусобақа. Иш қизиган.  
Ишда колхозчилар бариси.  
Ишга тушган, «Қизил Октябрь»нинг  
Битта қолмай ёшу қариси.  
Барчаси шод, барчаси тетик,  
Шараф, обрў учун курашда...  
Ким ўзади мусобақада?..  
Колхозчилар бари синашда...  
Жонтемирнинг бригадаси  
Меҳр қўйиб ишга киришди.  
Толдик демай, чарчадик демай,  
Бутун кучи билан тиришди.  
Саҳар туриб то оқшомгача  
Ишладилар зўр бериб ҳар кун...  
Шошилиш йўқ, эсанкираш йўқ,  
Ўз ишини билади ҳар ким.  
Жонтемирнинг сўзидан чиқмас.  
Барчаси дўст, бари иттифоқ.  
Шунинг учун булар ютиб чиқиб,  
Оқ пахтадай бўлди юзи оқ...

#### IV

Бошлади қишлоқнинг юраги  
Янги қувват, янги қон билан,  
Янги суръат, янги шон билан  
Ҳайқирмоққа давр қўшиғин,  
Бошланди, бошладик бир ҳаёт,  
Катта гигант рўзғорлар тузиб.  
Бошладик бир ҳаёт, душманнинг  
Ҳаётини парчалаб, бузиб.  
Севгили, муқаддас ўлкамизнинг  
Гулга тўлди кенг қучоқлари.  
Бизнинг янги боғлар қаршисида

Ип эшолмас эрам боғлари.  
Ўзимиз қурувчи, ўзимиз уста,  
Чаман яратамиз ўзимиз!  
Саодат биз билан босар илгари,  
Умид билан тўлган кўзимиз.  
Бизга қаратилган ҳар тухматни,  
Қилич каби кесди сўзимиз.  
Қишилиқ олдида, тарих олдида,  
Ярқиради кундай юзимиз!..

Кўпирди, қайнади зўр тўлқин,  
Ҳайқириб ғовларни суражак.  
Шубҳа йўқки, бутун ер шари  
Шу асосда чаман қуражак.

*1931. Сентябрь*



# КОММУНИЗМНИНГ ГУЛ БОҒЛАРИГА

## I

Қонларингга тўлқин солади,  
Бу дамларнинг буюк шовқини.  
Қўкрагингга йиғиб олдингми,  
Гигант қурилишнинг завқини?!

Метин қанотига даврнинг  
Большевик суръати бойланган.  
Ҳар дамда минг зафар, гардиши —  
Давримизнинг шундай айланган!

«Қуш учганда қаноти куйган»  
Чўллардан йироққа йўл солдик.  
Днепрдай ўйноқ сувларнинг  
Тўлқинли кўксига қўл солдик.

Узоқ йиллар бўйсунмай оққан  
Кучли Чирчиқ тан бераётир.  
Қалби бўстон бўлиб, шу қизил ўлка,  
Электр, машинли ҳаётга  
Қучоғини кенг кераётир.

Тракторстрой, сельмашлар —  
Гигантларни қуриб ташладик.  
Яна юзлаб, минглаб заводлар,  
Фабрикалар қура бошладик.

Темир кўрагини кўтариб,  
Юксалмоқда, шаҳар ўсмоқда.  
Қулоч ёзиб коллектив рўзгор,  
Чўлларнинг юзини тўсмоқда.

Яшнади, ҳар ёнда яшнатдик  
«Оқ олтин»нинг чаманзорини.  
Парчаладик кўҳна ҳаётнинг  
У ҳазин, жонсарак торини.

Ёвга қарши бўлган ҳар ҳужум,  
Ҳар кураш, ҳар юриш, ҳар ишда  
Раҳбар бўлди бизга партия,  
«Ёвга ўлим! Бизга бахт», дея,  
Унғалмас зарб бериб «ўнг» ва «сўл»ларга,  
Иқболи, тақдири чўлларга,  
Ғолиб бўлдик, зафар биз билан!

## II

Эҳ, қалбингга тўлқин солади  
Бу дамларнинг буюк шовқини.  
Бизлар бахтиёрмиз,  
Кўкракларга олиб  
Гигант қурилишнинг завқини!

Кучли қанотига даврнинг  
Большевик суръати бойланган.  
Қадам сайин кескин кураш, жанг гардиши —  
Давримизнинг шундай айланган.

Жабҳа бўйлаб қулоч отган ҳужум  
Осди ёвнинг тилак-армони,

Ёвга ўлим сочди,  
Ёвга мозор очди,  
Пайларидан қирқди дармонин.

Фақат ёв, тарқалган тутунлардай бўлиб,  
Белгисиз, нишонсиз йўқолган эмас!  
Ёв ўз ихтиёри билан таслим бўлиб,  
«Мен энди курашдан воз кечдим», демас.

Мижилган ҳолича судралиб,  
Сочмоқдадир ғазаб-қаҳрини,  
Ёв ҳали тирикдир, тўплаб қувватин  
Сочмоқда энг сўнгги заҳрини.

Душман айёр,  
Турли-турли йўл олади курашга.  
Пастқам ерда иғво қўзғар,  
Еғламачи тил билан.  
Бурчакларда йўл оздирар,  
Қора, машъум дил билан.  
Синдирмоққа мўлжал қилиб,  
Янгиларнинг қўлини,  
Талвасалаб, тўсаман деб  
Кучли колхоз йўлини,  
Иғво қўзғар дин исмидан  
Афсоналар яратиб,  
Кўҳна, ёлғон китоблардан  
Оят, ҳадис таратиб.

Душман айёр,  
Турли-турли йўл олади курашга.  
Дам қонсираб ханжар, пичоқ,  
Милтиқ билан иш кўрса;  
Дам ўт қўйиб пахталарга

Оловида исинса;  
Дам истайди, колхозчининг  
Тилак-армони синса,  
Ишонч тўлган юракларда  
Ғайрат тўлқини тинса;  
Дам юзига ниқоб тортиб,  
Ўз кишингдай бўлади:  
Ширин сўзлар, «қизил» гаплар  
Билан борлиқ тўлади.  
Кўз олдингда силлиқ бўлиб,  
Иблисона кулади.  
Лозим келса: «ўз» бўлмоқ-чун;  
Бирон нуқсон юз берса,  
Ачингандай бўлиб шунга  
Сочларини юлади.  
Душман айёр, курашларга  
Турли-турли йўл олар,  
Қалбимизга кирмоқ учун,  
Минг товланиб буралар.

### III

Эҳ, кунлар келади,  
Ўзгариб жаҳон,  
— Касб этиб ўзига янги бир мазмун,  
Янги бир кайфият,  
Янги бир одат,—  
Бутун қайта бошдан яралажакдир.  
Бонг уриб, дунёнинг асабларига,  
Янги қон, янги жон таралажакдир.  
Биз, мана тарихда биринчи дафъа,  
Бу нузли жаҳонга қадам ташладик,  
Ўзимиз яратиб, яралиб, унинг

Аввал баҳорига кира бошладик.  
Биз, мана бор бутун қувватни тўплаб,  
Шу олий жаҳонни қураётибмиз.  
Шунинг иқболига халақит берган,  
Шунинг йўлларида кўксини керган,  
Ҳар тўсиқ, ҳар ғовни парчалаб, бузиб,  
Тубсиз ўпқонларга сураётирмиз.

Партия йўлбошчи, йўлимиз равшан,  
Сафимиз мустаҳкам худди темирдек.  
Биз, мана, қақшатиб ёвуз душманнинг  
Разил ҳаётини тубдан емирдик.  
Фақат, у, эриган тутунлардай бўлиб,  
Белгисиз, нишонсиз таралган эмас.  
Ёв ўз истагича, бизга бўйин эгиб,  
Курашсиз ўлай деб яралган эмас!

Сиртқи ёв тинимсиз тишини қайраб,  
Янги дунёмизни ағдармоқ истар.  
Ҳали буржуйларнинг тўплари сайраб,  
Ўн тўртинчи йилни қайтармоқ истар.

Коммунизм номли олий ҳаётнинг  
Ҳали етилажак наҳори олдда,  
Ҳали кишиликнинг тўлиқ зафари,  
Абадий кулажак баҳори олдда.  
Ҳали биз бошлаган нурли жаҳоннинг,  
Ўтилмаган, мушкул йўллари бордир.  
Албат ўтилгуси, бу йўлларнинг ҳали  
Хавфи, хатарлари, чўллари бордир.  
Шу учун чидамли, саботли бўлиб,  
Ҳеч бўшашмай олға юрмоқлик керак.  
Суръатлар устига суръатлар қўшиб,  
Кунларни илгари сурмоқлик керак.

Шу учун қадалиб синфий курашнинг  
Постларида маҳкам турмоқлик керак,  
Синфий сезгирликни яна ошириб,  
Ўвни, гал бермасдан, урмоқлик керак.  
Биз Маркс, Лениндан таълимлар олиб,  
Ҳар қандай ғовни ҳам янчиб ўтамиз.  
Йўлларда учраган ҳар қандай ўвнинг  
Бағрини қон этиб санчиб ўтамиз.  
Биз қуриш даврининг самолётида  
Йилларни ойларда ўтиб кетамиз.  
Биз коммунизмнинг гул боғларига  
Албатта, албатта етамиз.

*1931.*

## Ш У Н И Н Г И Ш Қ И

Ер бағирлаб учган лочин каби  
Йўлларида кетар паровоз.  
Завқим билан тўлиб мен қарайман,  
Чаман водийларга тикиб кўз.  
Ҳаяжон тўлдириб сўзларимга  
Қалам ўйнатаман... Шу қадар  
Жилва билан кулар кўзларимга  
Дил тортувчи алвон лавҳалар...

### Б И Р И Н Ч И Л А В Ҳ А

Қуёш ботган.  
Шўхлик билан ерлар  
Гул ҳидларин ҳар ён тўкканлар.  
Ёқут танли, сулув бир оқшомнинг  
Атлас яйловида булутлар  
Мармар тўшларини қўйиб аста,  
Ясов тортиб қатор чўкканлар.

### И К К И Н Ч И Л А В Ҳ А

Ҳавасларга тўлиб мен қарайман,  
Барқут водийларга сузилиб.  
Зилол денгизлардай пахтазорлар  
Йўл ёқалаб кетган чўзилиб.

Йўл ёқалаб кетган пахтазорлар,  
Кўм-кўк, тоза зумрад япроқлар,  
Оқиш, қизғиш, рангли сарин гуллар,  
Алвон-алвон бўлиб ёзилган.

Зумрад водийларда ўсиб, униб,  
Зумрад водийларда кучга тўлиб,  
Зумрад водийларга ҳусн бўлиб,  
Чексиз пахтазорлар ястанган.

Бу лавҳалар, дилбар кўринишлар,  
Минг товланиб жилва бошлайди.  
Ҳавасларни боғлаб асир этмоқ учун,  
Қалб ичра домини ташлайди.

Ҳаваслар талпиниб, қанот қоқиб,  
Шунда сайр этмоқни истайди,  
Лавҳалар товланиб, дилбар боқиб,  
Бизни севгил!— дея қистайди.

Биламан, ранг-баранг, бой табиатнинг  
Туганмас, кенг, теран завқлари бордир.  
Ёқут оқшомларнинг, кумуш тонгларнинг,  
Ўзига яраша шавқлари бордир.

Биламан, оқ қушлар — мармар булутлар,  
Майсалар, чечаклар, духоба ўтлар,  
Денгизлар, наҳрлар, кўллар, кўлчалар,  
Олтин жимжимали зилол кечалар,  
Гул танли водийлар, увалар, тоғлар,  
Баҳорнинг лаблари сийпаган боғлар,  
Саноқсиз кайфият,  
Саноқсиз хислат,  
Саноқсиз, ҳисобсиз мавжудотларнинг





Кенг ётоғи бўлган шу бутун ҳаёт,  
Туганмас абадий буюк коинот  
Битмас манбаидир гўзалликларнинг!..

Фақат, ҳаяжонли юрагимни  
Пахтазорлар келиб бойлади.  
Ҳуснлари тўлган, кўркам, бўла  
Қарашимни асир айлади.

Ҳавасларга тўлиб мен қарадим  
Зумрад водийларга сузилиб,  
Чексиз денгизлардай, «оқ олтин» нинг  
Яшил бўстонлари чўзилиб,  
Ястанганлар.  
Майин тўлқинлари  
Завқларимни қучиб олдилар.  
Шунинг ишқи кезиб қонларимда,  
Дилларимга илҳом солдилар.

## II

«Оқ олтин»нинг ишқи дилни тортган,  
Миллион чеҳраларни кулдирган.  
Шунинг ишқи, бизни юракларда,  
Тоза, асл севги ўстирган.  
Шунинг ишқи кун-тун шуъла сочиб,  
Кўнгилларда тинмай порлаган.  
Шунинг ишқи бизни тонг отмасдан,  
Меҳнат қучоғига чорлаган.  
Шунинг ишқи зилол тунларда-да,  
Трактор минмакни истаган.  
Шунинг ишқи бизни «ғайрат билан  
Ҳормай ишла» дея қистаган.  
Шунинг ишқи бизни зарбдор этиб,

Асабларга қувват тўлдирган.  
Шунинг ишқи топтаб ялқовликнинг  
Қора юзларини сўлдирган.  
Шунинг ишқи билан синфий постда,  
Кўкракларни кериб турамиз.  
Шунинг ишқи билан душман сари,  
Кескин ҳужум ясаб юрамяз.  
Шунинг ишқи билан емрилмоқда  
Синфий ёвнинг қурган тўсиғи,  
Шунинг ишқи билан янграмоқда,  
Мустақиллик — мардлик қўшиғи.

### III

Қўй, кўкарсин, ўссин пахтазорлар,  
Пахтанинг ҳосили мўл бўлсин:  
Меҳр қўйиб ҳар ким,  
Терган оқ пахтадан  
«Тома-тома катта кўл бўлсин!..»

Колхозчи қиз! Қайга? Йўл бўлсин?  
Пахта теришгами?  
Сўйлагил!  
Тер пахтангни, майли,  
Истар эсанг, ҳар кун  
Янги бўлсин кийган кўйлагинг!

Пахта терсанг агар, пайқаб тергил,  
Синдириб қўймагил бандини...  
Пахта кўкартирган азаматлар  
Минг яшасин! Урсин қандини!

Бизнинг иродамыз, бизнинг мўъжиза  
Олтин билан ёзилар тошга.

Қани биродарлар, ёппасига,  
Давлатманд, маданий яшашга!..

#### IV

Шундай қараганда пахта ўзи,  
Оддий бир ўт,  
Оддий ўсимлик.  
Шундай қараганда пахта гули  
Қизил гулдан гўзал эмасдир.  
Унинг гўзаллиги,  
Унинг ҳусни,  
Унинг бизга берган фойдаси!

Биз севамиз уни, чунки унда  
Бахтимизнинг озиқлари бор,  
Пахта учун тўккан ҳар томчи терда  
Давлатманд турмушнинг мазмуни порлар.

Биз севамиз уни ўлкамизнинг  
Чехраси баҳордай бўлсин деб;  
Чехраси баҳордай бўлган ўлкамизнинг  
Пайларига қувват тўлсин деб;  
Пайларига қувват тўлган ўлкамизнинг  
Донги дунёларга кетсин деб;  
Донги дунёларга кетган ўлка  
Тилагига тўлиқ етсин деб...

#### V

Бизнинг далаларда очилган гўза,  
Кўз нуримиз билан етилган.  
«Оқ олтин» нинг ишқи ҳар ишчининг,

Ҳар комсомол,  
Ҳар колхозчининг,  
Ҳар курашчан,  
Ҳар зарбдор қизинг,  
Ҳар пионер —  
Ҳар олма юзнинг  
Юрагига пайванд этилган.

## VI

Ер бағирлаб учган лочин каби,  
Йўлларида кетар паровоз.  
Завқим билан тўлиб мен қарайман,  
Зумрад водийларга тикиб кўз.

*1931 — 1935.  
Сентябрь*

# У Ф А И У Л И Д А

## I

Кеча сутдай ойдин...  
Кеча сокит...  
Кеча ухлар оппоқ кўрпада.  
Ой нурида кумуш сурат каби  
Кўринади мудраган сада...

Вагон ойнасидан қарайман,  
Равшан бўлиб кўринар бари:  
Ложувард юксакда уйқусираб ойнинг  
Сузилмоқда шаҳло кўзлари...

Дала ухлар. Тепалар ухлар.  
Тинчиб ухлар ялтироқ қорлар.  
Новча қарағайлар, оқ қайинлар,  
Урмонларнинг яшил арчаси,  
Чарчаган ел, музлаган дарё,  
Жимжит, толиб ухлар барчаси...

Пассажирлар текис уйқуда...  
Уйқуни тарк этдик иккимиз...  
Оддийгина, шундай танишдик-да,  
Суҳбатлаша кетдик иккимиз.  
Сен сўзладинг. Мен қулоқ бердим.  
Ой ҳам тинглагандай туюлди.

Назар солдинг ойга, кўзларингга  
Ойнинг кумуш нури қуйилди...

## II

Сўзлаб бердинг. Бари эсимда:  
«Мен отадан жуда ёш қолдим.  
Онам ҳам тез ўлди. Йиғлай-йиғлай,  
Бошим оққан ёққа йўл солдим.

Яланг бошман. Яланг оёқман.  
Кузнинг сўнгги пайти... Ер қиров...  
Кўз ёшимни артиб, шафқат билан,  
Силамади бошимни биров...

Кўринганга қўлимни чўздим,  
Рангим сариқ, юзим заъфарон.  
Қўл, оёғим шишган. Тил гўлдирад.  
Дейман йиғлаб:— Бу қандай замон?!

Ҳар гўшада тентираб юрдим.  
На ғамхўр бор. На меҳрибон бор.  
На ёлчиб кийиндим. На тўйиб едим,  
Бурда қора нонга бўлдим зор....

Муз — тўшагим бўлди. Қиров — кўрпам...  
У кунларнинг азоби қурсин!  
Қандай замон,— дейман,— биров очдан ўлсин,  
Биров терисига сиғмасдан юрсин?!

Оғир бўлиб ўтган болалик.  
Нималарни кўрмади бошим?..  
Оч-яланғоч қолиб,

Хору зор бўлиб,  
Кўчаларда тўкилди ёшим...

Мен ўн бешга кирган ўсмирман.  
Гумбурлади ўн еттинчи йил.  
Мени бирга олиб кетдилар.  
Қуроллилар — байроғи қизил.

Мен қизиллар билан ҳар фронтда  
Бирга юрдим қурол кўтариб,  
Меҳнаткашлар учун уруш қилдик,  
Душманларни тупроққа қориб...

Унутмайман ўша кунларни,  
Шарафли замонлар эсимда.  
Ўт ичида юриб жон берган  
Талай қадрдонлар эсимда.  
Тоғу тошда ёвни хор этган  
Қизил партизанлар эсимда.  
Ёвга ер юзини тор этган  
Шонли қаҳрамонлар эсимда...

Уруш битди. Қишлоққа қайтдим.  
Қишлоқ хароб, кулбалар вайрон.  
Усти бош йўқ. Озиқ-овқат йўқ.  
Қир экинсиз, чечаксиз қолган.

Биз ишладик, гуллади тупроқ;  
Биз ишладик, кўкарди экин.  
Илгарига қараб йўлга тушди  
Зафарларнинг карвони секин...

Қишлоқ тиклаб қолди қаддини.  
Колхоз туздик... Мен ўзим бошлиқ...



Ёдимдан ҳеч чиқмас қурбон бўлган  
Комсомолкам, қайрилма қошлик.

Ишга чаққон, барчага ёққан,  
Ҳеч нарсадан қўрқмаган бир қиз...  
У ҳам дўстим эди, ҳам севганим,  
Кўзи шахло, юзлари қирмиз...

Бир кун туни, йўлда ушлашиб,  
Сўйибдилар уни қулоқлар.  
Қони пастга силжиб оқипти,  
Қизарибди кумуш булоқлар...

Кўз олдимга келар эслаганда,  
Кулиб турган шахло кўзлари,  
Эшитилган каби бўлиб туюлар  
Қулоғимга ширин сўзлари...

Эсимдадир оғир курашлар.  
Эсимдадир ёвларнинг иши.  
Эсимдадир гўзал Ойсулув —  
Мени севган, севилган киши...

Эсимдадир катта йиғинда  
Аҳмаджон қулоқни сўккани,  
Абдулла сўфининг обрўйини  
Бир пул қилиб ерга тўккани...

Эсимдадир булоқ бўйида  
Севаман деб ваъда бергани.  
Эсимдадир шарақлаб кулиб,  
Уйнаб юриб гуллар тергани.

Гуллар қолди, булоқлар қолди,  
Бир умрга юмди кўзини.  
Шарафли кун, шонли турмуш учун  
Қурбон этди гўзал ўзини...

Яқин дўстим, биринчи севгим,  
Очилмайин сўлди мангуга...  
(Сўнгра сен жим қолдинг — ўйга толдинг,  
Яна бирдан сўзладинг) — Нега?!

Нега керак бекорчи ҳасрат?!  
Нега керак фойдасиз ғамлар.  
Ўтган ўтиб кетди туш каби —  
Ҳам севинчли, ҳам оғир дамлар...

Биз яшаган шу кеча-кундуз  
Севинч шарафларнинг ётоғи.  
Қайга борсанг ўртоқлик ҳаёт,  
Қайга борсанг колхознинг боғи.

Гуллаб кетган бизнинг колхоз ҳам,  
Турмушимиз қувноқ, фаровон.  
Меҳнатимиз бойлик манбаи,  
Қирларимиз мўл ҳосилга кон.

Ҳисоби йўқ сизир, йилқининг,  
Ўтлоқларда семирар қўйлар.  
Ҳалол меҳнат қилиб ҳар колхозчи  
Халқимизнинг бахтини ўйлар.

### III

Ўйқуни тарк этдик иккимиз,  
Қўп толиққан толган бўлсак ҳам.

Суҳбат яхши эди, суҳбат қизиқ.  
Суҳбатга қўшилди еубҳидам...

Фируза уфқда тонг кўринди,  
Қизил шоҳи кийган кўйлаги.  
Сўнг очилди куннинг эшиги —  
Усти сарғиш, лоларанг таги.

Сен сўзлаган асл сўзларинг  
Юрагимга ёзилди бари...  
Хайрлашиб сен тушиб қолдинг,  
Қўл силкитиб мен кетдим нари...

1934. Март  
1935. Декабрь

# ГУЛАСАЛ

## I

Ҳаво тиниқ.  
Ҳаво жуда тиниқ.  
Осмон тиниқ, кўм-кўк шишадай.  
Қиттай ҳам булут йўқ, қуёш тетик,  
Ётоғида қайтар ишидан.  
Қуёш жуда тетик ударниклар каби,  
Оёқ олишлари мардона.  
Чехрасида унинг ёнади, эртанги —  
Янги ишга чиқиш белгиси.  
Қуёш хурсанд.  
Қуёш ударниклар каби,  
Унда йўқдир чарчашдан асар.  
Қуёш севинчидан, уфқлар юзига  
Расм солди — бўёқлари зар...

А, сен, нега бунча қайғулисан?  
Рангларингда қатра ҳам қон йўқ?  
Юзингда, кўзингда, дилингда товланиб,  
Кулиб турган кечаги шон йўқ?  
Ёки қаттиқ ишлаб чарчадингми?  
Ёки бирор шикаст етдим?  
Ёки аччиқ сўзлар, ҳақоратлар билан  
Биров сени хафа этдим?  
Ким у уялмасдан, номардларча,

Севинчларинг билан ўйнаган?  
Кимга ўпка қилдинг?  
Кимдан хафа бўлдинг?  
Ким у, сени бунча қийнаган?  
Ёки ўзингда йўқ мажнун бўлиб,  
Бирор бевафони севдингми?  
Ялиниб-ёлвориб, кўз ёш билан,  
«Сенсиз туролмайман» девдингми?  
У бевафо алдаб, сўнгра сени  
Ташладими қайғу чўлига?  
Аввали: «Сен билан ўлгунча...» деб, сўнгра  
Бошладими ҳижрон йўлига?  
Ёки қимматбаҳо узугингни  
Уяти йўқ биров олдимми?  
Ёки отанг ўлиб, қайғу булутлари  
Юзларингга соя солдимми?  
Ёки жондан севган ўғилчангни,  
Тошқин сувлар олиб қочдимми?  
Ё бошқа бир бало юз берди-да,  
Ҳасрат-алам қучоқ очдимми?..

Бироқ биламанки, севган ёринг  
Ўзинг каби жуда оқ кўнгил.  
Қувлик-шумликларни ўрганмаган,  
Кўнглида кири йўқ, содда дил.  
Биламанки, Асал, севган ёринг  
Орсизларча сени ташламас.  
Эсидан айрилиб, бебурдларча, сени  
Ҳижрон йўлларига бошламас!  
Биламанки, содда бармоқларинг  
Қимматбаҳо узук тақмаган.  
Олтин узукларнинг орзусида  
Хаёллари сундай оқмаган...  
Ўғилчангни, янги боқчада кўрдим,

Қўзичоқдай ўйнаб юрарди.  
Тетик, соғлом, хурсанд,  
Хўп етилган, қизил  
Олма каби тўлиб турарди...

Қуёш хурсанд,  
Қуёш ударниклар каби,  
Унда йўқдир чарчашдан асар.  
Қуёш севинчидан  
Уфқлар юзига  
Расм солди — бўёқлари зар...  
А, сен, нега бунча қайғулисан?  
Рангларингда қатра ҳам қон йўқ!  
Юзингда, кўзингда, дилингда товланиб,  
Кулиб турган, кечаги шон йўқ?  
Айт-чи, гулим!  
Айт-чи, Гуласалим!  
Нега қайғу кезар юзингда?  
Нега қутинг ўчган? Асабийсан?  
Нега ғазаб ўти ёнар кўзингда?  
Сўйла, Асал! Сўйла! Нега энди,  
Юрагингга ҳасрат тўлипти?  
Нега эркам, нега Гуласалим,  
Гул юзларинг бунча сўлипти?

— «Қайғу, ғазабларнинг сабабини  
Нега энди шунча сўрадинг?  
Гангратиб жуда бошларимни  
Сўроқларинг билан ўрадинг!  
Ортиқча дер эдим, менга қолса,  
Аммо нима қилай қистасанг.  
Бўлмаса қулоқ сол, майли, бир оз

Сўзлаб берай жуда истасанг:  
Қайғу-ҳасрат менга эски таниш —  
Ёшликдаги ёмон улфатим.  
Бир қошиқ қонимга ташна қилган эди,  
Ёшлигимда тортган кулфатим.  
Ёшлигимда, менга бой қизлари  
Қанча жабру жафо келтирган!  
Қора кунлар, шунда, ўз зулмини  
Суяк-суягимга етирган!  
Ёшлигимда мени бой қизларни:  
Итвачча деб, қанча урдилар.  
Ёшлигимда мени қора кунлар  
Эшикдан эшикка сурдилар!  
Ёшлигимда баҳор ёмғиридай ёшим —  
Дона-дона бўлиб тўкилган.  
Ёшликдаги азоб-уқубатдан юрак  
Пора-пора бўлиб сўкилган...  
Бироқ ўн олти йил бундан аввал  
Қайғуларим ўққа илинди.  
Бутун кулфатларим, ҳасратларим  
Нимта-нимта бўлиб тилинди.  
Ўн олти йил бўлди, кунларимни  
Севинчларга тўлиб ўтказдим.  
Ўн олти йил бўлди, талай севинчларни  
Ўзим балоғатга етказдим.  
Аmmo шу кунларда яна қайғу,  
Яна алам менга ёпишди.  
Бу аччиқ аламлар юрагимни  
Қийма-қийма қилиб чопишди...  
Фақат, бу йўл мени бой қизларни:  
Итвачча, деб хўрлаб урмади.  
Фақат, бу йўл мени тентиратиб, ҳеч ким  
Эшикдан эшикка сурмади.  
Бу гал юрагимга ўрмалаб кирган,

Бу гал кўзларимга ястанган қайғу.  
На ота, на ўғил, на олтин узук,  
На севги, на ҳижрон, на ёр қайғуси!..  
Бирмунча кун бўлди, суяр ёрим  
Дайдиланиб юра бошлади.  
Унинг бу қилиғи, бу ҳунари  
Мени ёнар ўтга ташлади.  
Шундай бир бўлгандир, ўзи қўяр, дея,  
Авваллари парво қилмадим.  
Аммо кейин жуда шошиб қолдим,  
Нима қилишимни билмадим.  
Бир-икки уришдим, кор қилмади,  
Борган сари яна оширди.  
Унинг бу ҳунари, бу қилиғи  
Менинг ғазабимни тоширди.  
Букун Ҳасан ота, Қумри, Салим  
Юрагимни яна тилдилар,  
Кўпчилик олдида мени анча  
Уришдилар, таъна қилдилар:  
— «Қойиб қўйгин, болам, яхшимас!..  
Яхши эмас! Бундай қилмасин!  
Олдини ол тезроқ, дўсту душман  
Унинг бу ишини билмасин!  
Унинг орқасида колхозчилар  
Бошларини ерга эгмасин.  
Барчамиз ҳам сенинг бригадангдამиз —  
Қасофати бизга тегмасин!  
— Эрингизни бир оз тергаб олинг,  
Ишга анча зарба етирди.  
Кеча ичиб тоза маст бўлипти,  
Икки киши зўрға кетирди.  
— Букун уч кун бўлди, ишга келмас,  
Буни, барча киши билади.  
Қолхоз аъзосига бу иш уят!



Бундай ишни душман қилади!..»  
Шундан кейин, тоза алам қилиб,  
Уйга келиб анча йиғладим.  
Ўзим ёлғиз уйда, тўлиб-тошиб,  
Юрагимни қанча тигладим...  
Ўзинг ўйлаб қара, яқин кишинг  
Суяк-суягингга етирса;  
«Дайди, прогулчи» дея, ном кўтариб,  
Суяр ёринг иснод кетирса;  
Бундан ҳам ярамас,  
Бундан ҳам паст, оғир,  
Бундан ҳам уятли иш борми?  
Кўпчилик олдида сени қизартирса,  
Шундай киши суюкли ёрми?..  
Ким билади... сўнгги вақтларда,  
Бузилгандир, бурди кетгандир...  
Ким билади... балки... айнигандир...  
Балки ётлар таъсир этгандир...  
Нима бўлса бўлсин,  
Аммо, юрагимни  
Қайғу зардобига тўлдирди.  
Кўпчилик олдида қизартирди,  
Тириклайин мени ўлдирди...  
Агар билсам, шундай бўлишини бошда,  
Унинг сўзларига учмасдим.  
Ўзимга муносиб ёр экан деб,  
Мажнун бўлиб уни суймасдим.  
Ишон менга! Шундай бўлишини билсам,  
Жоним дея уни суймасдим.  
Ишон менга! Ишон!.. Агар мени  
Ташлаб кетса бунча куймасдим...  
Ўзим ударникман. Ишим йирик,  
Ҳамма нарсам тугал, жойида.  
Ударник, деб менга мукофот бердилар

Бу йил кўклам — апрель ойида...  
Ҳар мажлисда мени мақтайдилар,  
Ҳар мақташда бир ўсар бўйим,  
Яхши кўрадилар бутун колхозчилар,  
Чакки эмас, дуруст обрўйим.  
Лекин Тошпўлатнинг қилиғини  
Уйлаб туриб ўтдай куяман...  
Энди мен нима деб юзига қарайман,  
Энди уни қандай суяман?!  
Бу кун келса тўғри юзига айтаман:  
— Уяти йўқ, бевурд ёр!— дейман.  
Уйга киргизмайман, «прогулчи»— дейман,—  
Йўқол, энди нари бор!— дейман...»

Англадим мен, Асал, юзларингда  
Қандай қайғуларнинг кезганин.  
Англадим мен, қандай аламларнинг  
Юрагингни топтаб эзганин...  
Бўлди энди, бас қил, гул юзингни  
Ҳасрат-алам билан сўлдирма!  
Севинч билан тепган юрагингни  
Қайғу зардобига тўлдирма!..  
Ўз эркиннга, ўз номусингга,  
Ўз севгингга ўзингсан эга!  
Колхозчилар сени ҳурматлайди.  
Шу ҳолатда қайғулар нега?  
Суяр ёринг айниган бўлса,  
Колхозчилар тарбия қилар.  
Кўпчиликнинг сўзи, юзи билан  
Ўз айбини тушунар, билар...

Бўлди, бас қил, Асал! Қонга тўлиб,  
Беҳудага энди, тўкма ёш.  
Ўз-ўзингни қийнаб, азоб чекиб,

Беҳудага, гулим, эгма бош!..  
Чечак отган янги ҳисларнинг  
Сенда кўрдим нишонасини.  
Ўпай, эркам, ўпай, Гуласалим,  
Толенгни пешонасини..

Қайғурма ҳеч, бахтиёр киши,  
Юрагинга етмасин озор!  
Сенинг ўйларингда, ҳисларингда  
Келажакнинг куртаклари бор!..

*1934. Сентябрь.*

# КИРОВ ТИРИК

## I

Биринчи декабрь... Мен ётаман,  
Минг азоблар билан тўшакда.  
Уяси бузилган қушдай, юрак  
Типирчилар, бўлар безовта...

Бошларимни оғир хаёл босар,  
Кўз олдимда унинг сурати.  
Қулоғим остида такрорланар,  
Такрорланар Кировнинг оти...

Юрагимда ётар оғир бир қайғу,  
Ғазаб билан дейман: Йўқол! Бас! Етар!!!  
Томоғимга келиб тиқилар йиғи,  
Зўр билан босаман, чекилар, кетар...  
Мен биламан: ёш тўкиш бекор.  
Бир қатра ҳам ёш тўкилмасин.  
Ранжимасин кўнгил, ғам билан юрак  
Қат-қат бўлиб ҳеч сўкилмасин.  
Мен биламан: иқбол бизники,  
Бизникидир саодат, шараф,  
СССР аталган ўлка —  
Ўсиб-унган, гуллаган тараф.  
Мен биламан: енгамиз, бизнинг  
Ғалабамиз таъмин этилган.

Мен биламан: бизнинг янги турмуш  
Навбаҳордай бўлиб етилган.

Мен биламан: фақат бизга боқар,  
Бизникидир асл келажак.  
Биз бошлаган турмуш ҳеч тўхтовсиз  
Илгарига қараб елажак.  
Мен биламан: Сергей ўлса-да,  
Шавкатли халқ, партия тирик,  
Кундан кунга гуллар шонли Ватан,  
Кундан-кунга ишимиз йирик.  
Мен биламан: ёш тўкиш бекор.  
Аммо нима чора... Оғир бўлди...  
Мен ўзимни боса олмадим.  
Мен йиғладим, тўкилди ёшим.  
Мен унутдим ўзни бир нафасга,  
Бир нафасга гангради бошим...

Ишонмасдан қайта-қайтадан,  
Ўз-ўзимдан сўрайман секин:  
Шундай одам чиндан ўлдими?  
Киров каби асл, ноёб киши,  
Сийрак умр хазон бўлдими?..

## II

Минг азоблар билан мен ухлайман,  
Кўз олдимда унинг сурати.  
Тилларимда менинг такрорланар —  
Такрорланар Кировнинг оти...

Оғир тушлар кўриб босинқирайман:  
Ленин шаҳарининг қор кўчалари...

Мен кўйлакчан, ўт бўлиб ёниб,  
Югураман... гўё сарсари...  
Оёқларим сезмас қор совуғин,  
Мен кўйлакчан, ўт бўлиб ёниб.  
Югураман... гўё сарсари...  
Оғир тушлар кўриб босинқирайман,  
Кўзларимда исён,  
Кўзимда алам.  
Кўзларимда ишонч,  
Кўзларимда ғам.  
Кўзларимда менинг қасос ўти ёнар,  
Кўзларимда ғазаб,  
Кўзларимда нам.  
Типирчилар юрак. Кўлимда наган.  
Наганда ўқ, оғир, қўрғошин ўқ,  
Душман учун ўзим атаган.  
Дут кўчириб бутун дунёларни,  
Қичқираман: Қани? Қани қотил?  
Қани жаллод? Қани шарманда?!  
Қани хоин?! Қани разил одам?  
Қани сотқин, ярамас банда!  
Менга жавоб учун гуриллайди,  
Дунёларни остин-устун қилиб —  
Миллион товушлардан яралган бир соз,  
Миллион товушлардан уюшган овоз:  
— Асрлардан бери меҳнат қонини,  
Қора зулук каби сўрувчи синф;  
Босқинчиликларни, ўғриликларни,  
Хўрликларни яхши кўрувчи синф;  
Йўқолишга маҳкум этилган кўпдан,  
Сўнгги пайти етиб ўлувчи синф;  
Сўнгги нафасида ғазабга тўлган,  
Хазон бўлиб умри сўлувчи синф;  
Ориятсиз, разил, сотқин бандалар;

**Юзи қора, хоин, паст шармандалар,  
Ҳаромхўрлар унинг қотили!!!**

**Босинқирайман мен, оғир тушлар кўриб,  
Ленин шаҳарининг қор кўчалари...  
Мен кўйлакчан, ўт бўлиб ёниб,  
Югураман... гўё сарсари...  
Оёқларим сезмас қор совуғин.  
Мен кўйлакчан, ўт бўлиб ёниб,  
Югураман... гўё сарсари...  
Типирчилар юрак, тўзғиган сочим.  
Қарши елни сезмас ёйган қулочим.  
Мен сўрайман ҳар кўрингандан;  
Қани Киров?! Қани?! Қани раҳбар?!  
Қани баҳоси йўқ, у, асл инсон?!  
Қани курашларда пишган коммунист?!  
Қани курашларда енгган қаҳрамон?!  
Қани устоз?! Қани буюк ҳурмат,  
Тенгсиз тақдирларга арзийдиган жон?!  
Менга жавоб учун гуриллайди,  
Дунёларни остин-устун қилиб —  
Миллион товушлардан уюшган овоз,  
Ишонч билан тўлиб янграган бир соз:  
— Киров тирик, Киров ўлмади.  
Ҳар ишчининг қалбида яшар.  
Киров билан бирга биз бошлаган турмуш,  
Тўхтамасдан, босиб илгари,  
Довонлардан довонлар ошар.  
Киров ўлди... аммо биз ўлмадик —  
Шарафли халқ, партия тирик.  
Кундан-кунга гуллар азиз Ватан.  
Кундан-кунга ишимиз йирик...  
Киров тирик, Киров ўлмади.  
Киров ҳар чоқ бизнинг қонимизда.**

Киров ҳар чоқ бизнинг ёнимизда.  
Киров ҳар чоқ биз билан бирга...

### III

Олтинчи декабрь, оғир дамлар...  
Одатдаги каби олинмас нафас.  
Юраклар типирлар, бўлар безовта,  
Юракларга танлар гўё, тор қафас.  
Одатдаги каби олинмас нафас.  
Фарёд чекар Шопеннинг куйи.  
Гоҳи кўтарилиб, гоҳ тушиб қуйи  
Фарёд чекар Шопеннинг куйи...

Олтинчи декабрь. Кўз очирмай,  
Совуқ шиддат билан қоқар қанотин,  
Изғирин асабий қамчилар отин.  
Юраклар безовта, дўст кўнгиллар ғаш.  
Ёшлар ихтиёрсиз тўкилар секин...  
Ҳаяжонга тўлиб ораторлар,  
Сўйлайдилар унинг мадҳини;  
Бутун дунё тинглар,  
Бутун дунё инграр,  
Мотам босган дунё сатҳини...

Олтинчи декабрь. Дўстлар билан  
Қизил майдон тўла... Ҳар тарафда қор.  
Шу кунни қўйилди у буюк одам  
Мавзолей ёнига. Яна бир мозор...

Сергей!  
Сени ҳурматлади азиз Ватан,  
Бутун дунё сени ёд этди.



Келажакни севган ҳар бир юрак  
Сенинг учун куйди, дод этди.  
Сени ҳурматлади, сени севди,  
Қизил постда турган эрларнинг бари.  
Сени ҳурматлади, янги дунёнинг —  
Кишилик асрининг ижодчилари.  
Сенинг исминг, Сергей, машъал бўлар,  
Тутилажак, бизнинг қўлларда.  
Сен ҳам бир йўлбошчи бизнинг учун,  
Ўтилажак шонли йўлларда.

Сергей! Сенинг исминг мангу қолар  
Тарихларнинг асл бобида.  
Мамлакатда ўсган ҳар тоза ғўза,  
Шараф билан қилинган ҳар иш,  
Ўлкамизда янги гигантларнинг  
Асосига қўйилган ҳар ғишт,  
Ҳар буюк хотира,  
Ҳар буюк зафар,  
Давримизнинг ҳар шоҳ асари  
Сенинг учун бўлсин обида.

*1934. Декабрь*

# У К Р А И Н А Е Л Л А Р И

## I

Украина еллари! Сарин еллар!  
Сочларимни ўпиб кетдингиз!  
Чечакларни қучиб, кула-кула ўйнаб,  
Ёқимли соз чалиб ўтдингиз...

Гоҳи қочиб кетиб узоқларга,  
Гоҳи атрофимда юрдингиз.  
Гоҳи ҳазил қилиб, қанотингиз билан  
Юзларимга аста урдингиз...

Қараб турдим: сиз юрган боғда  
Булбуллар созлади созини.  
Буралиб, силкиниб яшил дарахтлар  
Ишга солди барча нозини.

Қараб турдим: сиз юрган чоғда,  
Турфа гуллар эгди бошини.  
Чайқалиб, товланиб, ялтираб сувлар  
Жилва билан қоқди қошини.

Украина еллари, юрагимга  
Олам-олам илҳом солдингиз.

**Шунча нозикликни, шунча гўзалликни,  
Шўхликларни қайдан олдингиз?..**

**Эҳтимол, туну кун, шу қирлар кўксиди,  
Уйин қилгандирсиз тинмасдан сира.  
Эҳтимол, гул фасли, феруза тунларда,  
Қанот қоққандирсиз инмасдан сира.**

**Днепрнинг зилол сувлари кулганда  
Очиб қучоғида кумуш чечаклар;  
Заррин денгизлардай тўлганганда аста,  
Чайқалганда аста олтин бошоқлар;  
Оқ бадан кечалар табассум этганда,  
Чақнаганда юзи булутсиз — парсиз;  
Зангори боқчада олтин палак ёзиб,  
Пишиб етилганда ой — кумуш тарвуз;  
Юргандирсиз: куйлаб, дам — шод қўшиқчидай.  
Дам — лирик шоирдай шеър ўқиб ҳар он,  
Дам — ҳаяжон солиб олтин бошоқларга,  
Дам — гуллар атрини тарқатиб ҳар ён!**

**Ҳой еллар! Теграмда ўйнаган еллар!  
Китиқлаб, тортқилаб қўймаган еллар!  
Уйин-кулгиларга тўймаган еллар!  
Қанотлари майин, танлари сарин,  
Бўсалари муздай, юмшоқ ва ширин,  
Уйноқи, хушчақчақ, парвона еллар!  
Бир нафас жим бўлинг, қулоқ солингиз,  
Куйласин, сўйласин қўлимдаги тор.**

**Жим тулинг, жон еллар! Жим тулинг бир оз!  
Сиз учун атаган қўшиқларим бор.**



## II

### Б И Р И Н Ч И Қ У Ш И Қ

Хўжайин шошилиб йўлга тушди,  
Орқасида отлиқ аскари.  
Етиб келди шахта ёнига —  
«Тўполончи» ишчилар сари...

Хўжайин дарғазаб хитоб қилди:  
«Нима учун иш ташладингиз!  
Бу нима тўполон! Безорилик?  
Нима учун бунт бошладингиз?!

Тарқалингиз ҳозир, ишга тушинг!  
Бўлмаса иш ёмон бўлади!  
Сабабчи бўласиз қон тўкишга.  
Қўп одам бекорга ўлади!»

Жавоб учун тўпдан биров чиқди,  
Кўзларига уюлган ғазаб.  
Томирида тутақиб қони,  
Юрагини тимдалар азоб...

У ҳеч ҳайиқмади милтиқлардан,  
Ҳайиқмади отлиқ аскардан.  
Ҳайиқмади сира, қиличлардан,  
Ҳайиқмади хўжайинлардан.

Ҳайиқмади асло ҳеч нарсадан,  
Дадил тутди йигит ўзини.  
Муштумини қисиб, хўжайиннинг  
Кўзларига тикди кўзини.

Вазмин овоз билан сўз бошлади,  
Олов чиқди икки кўзига.  
Барча қараб қолди, барча жим бўлди,  
Барча қулоқ солди сўзига.

«Барчамиз яланғоч, барчамиз очмиз.  
Турмушимиз оғир... зарра роҳат йўқ!  
Қачонгача бизни алдайсизлар?!  
Бўлди энди!.. Энди тоқат йўқ!..»

Барча талабларни ёзиб бердик,  
Яна нимасини сўрайсиз?!  
Нима гуноҳ қилдик? Нега ахир,  
Аскар билан бизни ўрайсиз?!

Шартларимиз ижро этилсин!  
Сўнгра биздан иш талаб қилинг.  
Бўлмаса биз ўз сўзимизда..  
Ихтиёрдир... ўзингиз билинг...

Бизни сира одам санамай,  
Кучаясиз бўш келган сайин..  
Энди қўлингиздан нима келса,  
Майли аямангиз, хўжайин!

Битди сабр, тугади чидам!  
Битди... тоқатимиз бўлди тоқ!  
Қўйдайд бўлиб минг йил яшагунча, афзал,  
Шердайд бўлиб бир кун яшамоқ...»

Ҳайиқмади ботир ҳеч нарсадан,  
Дадил тутди йиғит ўзини.  
Ғалаёнга келиб, бутун ишчилар  
Қувватлади унинг сўзини...

Хўжайин дарғазаб, буйруқ берди,  
Милтиқлардан ёғдирилди ўқ.  
Аmmo бу ҳам ботир ишчиларни  
Талабидан қайтаролган йўқ.

Милтиқларга қарши калтак билан  
Ва тош билан жавоб бердилар.  
«Барибир ўқ, қилич, турмалар  
Бизни қўрқитолмас!» дердилар.

Жангга кирди минглаб оломон.  
Ҳаёт учун, ҳақиқат учун.  
Хўжайин ён берди ноилож,  
Сезганида ишчилар кучин...

Аmmo юзлаб гуноҳсиз одам  
Зулм ўқидан бўлдилар қурбон.  
Порох ҳиди билан бузилди ҳаво,  
Тупроқларни қизартирди қон.

Аскар кетди. Хўжайин кетди.  
Ерда жонсиз гавдалар қолди.  
Отадан айрилиб, етим бўлиб,  
Ёш болалар—новдалар қолди.

Кўкни тутиб, тупроқни босиб,  
Йиғи қолди, мунгли зор қолди.  
Юзларини юлиб, фарёд чекиб  
Она қолди, шўрли ёр қолди.

Аскар кетди, хўжайин кетди;  
Мардлик қолди. Маҳорат қолди.  
Душманлардан бир кун ўч олишга  
Ғазаб қолди, жасорат қолди...

## И К К И Н Ч И Қ У Ш И Қ

Кичкина уй. Ота билан қиз  
Шунда яшар. Кичкина рўзғор...  
Сиртда бўрон. Кичкина деразага  
Парвонадай урилади қор.

Куни бўйи ишлаб, чарчаб, толиб,  
Ухлаб қолди, ёлғизи — қизи.  
Чолнинг кўзларига уйқу келмас.  
Юзларида ваҳиманинг изи.

Эшикда қиш, эшикда бўрон,  
Бўри каби увиллаб елар.  
Гоҳи пича тинар, яна бирдан  
Даҳшат билан гувиллаб келар...

Уйлайди чол: ҳасратлари кўп...  
Қайғу билан оқарди соқол.  
Болаликдан бери бойга ишлаб,  
Хўрлик кўрди, қадди бўлди дол...

Хотин ўлди очликдан, ғамдан.  
Уғил ўлди, қолди ёлғиз қиз.  
Бундан сўнгги турмуш қандай бўлар?..  
Нима бўлар?.. Асло белгисиз.

Уйлайди чол, қариган чоғда  
Борми бойдан қутулар бир кун?..  
Сиртда бўрон, қишнинг совуғидан,  
Даҳшатидан қалтирайди тун...

Эшик тақиллади, чўчиди чол,  
Пайпаслаб уйғотди қизини.  
Юрагида лиқ тўла ваҳм,  
Даҳшат босди икки кўзини.

Сабр қилмай тепди, бақириб бой,  
Эшикнинг занжири узилди.  
Кўзига ёш олиб, чол бечоранинг  
Бу хўрликдан кўнгли бузилди...

Юзи қизил, кўзлари бежо,  
Улгудай маст, гандираклайди.  
Шеригига мастона кулиб,  
Ўз-ўзича сандироқлайди...

Бежо кўзларини чолга тикди:  
«Қарзларни қачон тўлайсан?!  
Бўлди энди... қани... ҳозир тўла!  
Бўлмаса калтакка ўласан!»

«Инсоф қилинг ахир... шафқат қилинг...  
Бошим билан тўлайинми, бой?  
Ёз ишласам сизда, қиш ишласам,  
Яна қарз... ўлайинми, бой!..»

Бойнинг маст кўзлари қизга тушди.  
Сўлагини қилт этиб ютди.  
Гандираклаб бориб бечоранинг  
Титраб турган қўлидан тутди.

«Яланг оёқ! Имони йўқ чол!  
Улиб кетсанг увол йўқ сенга!..  
Қизинг билан тўла, мол бўлмаса!..  
Молми? Қизми?.. Фарқи йўқ менга!..



Ғазаб билан ташланди бойга,  
Бу хўрликка чидамасдан чол:  
— «Қўлингни торт, аблаҳ, қизимдан,  
Уйни бўшат, чиқиб кет! Йўқол!»

Бой дарғазаб бўлиб, қутуриб,  
Таёқ урди чолнинг бошига.  
Чол йиқилди калтак зарбидан,  
Қон қуйилди кўзу қошига.

Қўш от қўшган чана йўлга тушди,  
Олиб кетди ёлғиз қизини.  
Ота чидолмади, зор йиғлади,  
Остонага уриб юзини...

#### IV

Бой ухлади чарчаб, тун оғзи.  
Қиз кўзғалди бойнинг қўйнидан.  
Зўрға юриб эшикка чиқди,  
Бўрон қучоқлади бўйнидан...

Тўзғиб кетган олтин сочлари,  
Тийилмайди тирқираб ёши.  
Қандай кунга қолди?.. Нима бўлди?..  
Англолмайди, гангиган боши.

Совуқ ялар юзи, кўзини,  
Бўрон тўзғитади сочини.  
Йўлда келар, ғариб отанинг  
Ёлғизи, шунқори, лочини.

Қанотлари қайрилган, синган.  
Яраланган, эзилган лочин,

Еру кўкка сигмай толпинади,  
«Отажон!..» деб, ёйиб қулочин...

Хўрозлар қичқирди ҳар тарафдан,  
Тун саҳарга берди йўлини...  
Ғазабланиб, юлқиниб бўрон  
Ҳар томонга чўзар қўлини...

Минг хил азоб билан, ҳолсизланиб,  
Йиғлай-йиғлай етиб келди қиз.  
Эгри-бугри бўлиб ортда қолди  
Оқ қорларда чувалган оқ из...

Ўрнидан турмади, кел демади  
Остонада чўзилган ота,  
Оғир ҳақоратга чидолмасдан,  
«Ёлғизим...» деб, узилган ота.

Отани қучоқлаб йиғлади қиз,  
Кўкни қалтиратди ноласи.  
Юзлари тирналди, ерга тушди  
Олтин сочларининг толаси...

«Барбод бўлди номус... ота ўлди...  
Энди қайга... қайга борайин?..  
Кимдан мадад тилай? Кимдан кўмак сўрай,  
Қўлларимни кимга чўзайин?..»

Дея, бир оҳ чекиб йиқилди қиз,  
Қалтиради шикаста зори...  
Талпинишдан тўхтади юрак,  
Гул умрнинг узилди тори...

Ота ўлди, Юлдузи ўлди.  
Фарёд қолди, ҳазин зор қолди:

Ҳеч кими йўқ икки бечорага,  
Кафан бўлиб тунги қор қолди.

Ота ўлди. Қундузи ўлди.  
Бўш, ҳувиллаб ёлғиз уй қолди.  
Бойга нафрат сочиб, лаънат ўқиб,  
Субҳидамда мунгли куй қолди...

## V

Тамом бўлди, еллар, бу икки қўшиқ,  
Утмишдан олинган қонли лавҳалар.  
Менга илҳом берган учинчи қўшиқ,  
Тингланг, юрагимга сиғмай чайқалар.

## VI

Мени қарши олди боғбон,  
Селкиллайди кумуш соқоли.  
Хуштабиат, файласуфнамо,  
Чеҳрасида кулган иқболи.

«Хуш келибсан, марҳамат», деди.  
Юзларида майин табассум.  
Атрофимга бир карра боқиб,  
Мен ўзимни йўқотдим бир зум.

Деворлари қизил мрамардан,  
Булутларга бош урган сарой.  
Савлатига, ҳуснига мағрур —  
Кўз ташлаган жанубга қарай.

Бир ёни боғ, бир ёни гулзор,  
Йўлчалари, йўллари асфальт.

Мармар деворларда асфальт йўлларда,  
Қуёш нури ўйнайди ялт-ялт...

Эркалатиб, елкамга қоқиб,  
Олиб кетди эргаштириб чол.  
«Қара, ўғлим,— дейди,— қандай гўзал!  
Шоир бўлсанг, шундан илҳом ол!..»

Жилмаяман севинчимдан мен,  
Тўғри дейман,— ота сўзингиз...  
Ажойиб ер... қани бир бошдан  
Кўрсатингиз, энди ўзингиз...

## VII

Бошлади чол, боғига кирдим,  
Ҳар тарафга чўзилган кенг йўл.  
Кўзни тортар зумрад оғочлар,  
Ўрталикда шиша рангли кўл.

Қатор кетган кўм-кўк садалар,  
Қўлга тегар эгилган шохи.  
Билинар-билинмас жимирлайди  
Кўлнинг суви — кўкимтир шоҳи.

Бир томонда акация, сирень,  
Бир томонда қайрағоч, қайин.  
Бир ён — оличазор, бир ён олмаз  
Кўз қувонар қараган сайин.

Маржон каби тизилиб кетган  
Йўллар бўйлаб электр чироғ.  
Ҳар бурчакда мрамрдан ҳайкал,  
Гул ҳидига тўлиб кетган боғ.

Фонтанлардан отилиб, сапчиб,  
Товланади брильянт сувлар.  
Оличазорларда сайрашиб қушлар,  
Бир-бирини ўйнашиб, қувлар.

Қаторлашиб, кўлга йўл солар  
Талтақайлаб, тўлғаниб ғозлар.  
Маст бўлишиб гул ҳидларига  
Гўзал қушлар шу боғда ёзлар.

Ойна кўлда саҳар пайтида  
Оққув юрар бўйнини эгиб...  
Сиз ўтасиз ҳар кун, эрка еллар,  
Япроқларга, гулларга тегиб...

## VIII

Сўзлай-сўзлай кекса боғбон,  
Гулзор сари бошлади мени.  
Кўзни қамаштирган бу, чаманзор,  
Шу қадар кенг — кўринмас эни.

Ҳаво хушбўй, атир сепгандай,  
Чаман-чаман очилган гуллар.  
Минг хил рангга кириб ярқирашиб,  
Кун нурида товланар, кулар.

Гулзор ўртасида Лениннинг  
Турфа гулдан ишланган расми...  
Нима дер экан — деб сўрайди чол:  
— «Юрайликми, ё энди басми?..»

Йўқ, юрайлик,— дейман. Чол кулади.  
Гулзорлардан олиб юради.  
Ҳовуздаги сувнинг салқини,  
Юзларимга гир-гир уради...

Еш арчалар шу қадар кўм-кўк —  
Баҳор ўлиб ўтган юзини...  
Фарқ этиб бўлмайди гул баҳордан  
Бу гулзорнинг яшил кузини...

Айтингиз-чи, бу кўрганларим  
Сувми? Ёки эриган кумуш?  
Қайси боғда? Қайси гулзорда?  
Қай ердаман? Унгми ёки туш?..

Айтингиз-чи, ҳозир қандай фасл,  
Куз пайtimi? Баҳор чоғими?  
Бу кўрганим, кўп эртакларда  
Мадҳ этилган эрам боғими?..

Кулди боғбон:—«Бу сарф этилган,  
Гулзор бўлиб етилган меҳнат!  
Бу, Ленин, партия бахш айлаган  
Эркин ҳаёт, мангу саодат!

Бу ерлар, бу гулзор, бу ажойиб жой  
Колхознинг гулзори, колхознинг боғи.  
Қават-қават бўлиб юксалган уйлар —  
Хур колхозчиларнинг эркин ётоғи...

Ўзимиз яратдик, ўзимиз қилдик,  
Ўзимиз эгамиз, ўзимиз боғбон.  
Ҳозир роҳат яшар, ғамлардан озод,  
Илгари қул бўлиб, хор этилган жон».

Барчасини айтди ғурур билан,  
Қойил бўлдим чолнинг сўзига.  
Нари кетдик, ҳайрат тўлади  
Қаровчининг икки кўзига.

Шаҳло кўзларини пирпиратиб ой,  
Бу тенгсиз боғларга суқланиб қарар.  
Бу боғлардан оққан ойна сувларга  
Ишва билан боқиб, сочини тарар.

Зухра юлдуз кўкда армон қилади:  
Эсизки, маконим бу боғдан йироқ.  
Зухра юлдуз бўлиб кўкда тургунча,  
Бўлмабман шу боғда ёнувчи чироқ.

## IX

«Энди, ўғлим, уйга кирайлик,  
Чарчагансан, озгина дам ол.  
Эртага кетарсан, меҳмон бўлиб,  
Бу кун тунни бизникида қол.

Узимиздан чиққан шоирлар бор,  
Артистлар бор, чолғучилар бор.  
Бу кун кечга концерт берадилар,  
Кўргил, балки сенга ҳам ёқар..»

## X

Бошлади чол, уйига кирдим,  
Айвончаси, тўрт хонаси бор.  
Барчасини айланиб чиқдим,  
Ҳаммаси тахт, жойида рўзгор.

Кўнгилли, соз, ёруғ хоналар,  
Рутубатдан, чанглардан холи.  
Деворлари, шифти мойланган,  
Ярқирайди ойнадек поли.

Асл гилам, барқут мебеллар.  
Тувакларда жануб гуллари...  
Деворларда Маркс, Лениннинг,  
Бизга таниш портретлари...

## XI

Ҳаво тиниқ, дарахтлар тоза,  
Кун нурида товланади тол...  
Чой устида суҳбат қизиди,  
Қолганини сўзлаб кетди чол:

«Колхозимиз жуда бадавлат,  
Қанча сигир, қанча йилқи бор,  
Еримиз кўп, бир ёни буғдой,  
Бир ёни кетганча мевазор.

Даламизда минглаб машина,  
Осонлашган, ўғлим, ишимиз.  
Юксак ҳосил учун кураш билан  
Ўтар бизнинг ёзу қишимиз.

Ватан обод, турмуш фаровон  
Бўлсин, дея меҳнат қиламиз.  
Халққа хизмат, юртга садоқат  
Биз учун зўр бахт, деб биламиз.

## XII

Менинг умрим жуда қизиқ ўтган,  
Батрак бўлиб бойда ишладим.



Бойда ишлаб-ишлаб, охирида —  
Нон ўрнига кесак тишладим...

Канча вақт сургунда юрдим,  
Кишан қийди оёқ-қўлимни...  
Қанча жабру жафо кўрмадим...  
Талай ғовлар тўсди йўлимни...

Болам, менда хотиралар кўп...  
Эсимда бор салқин куз эди.  
Семён келиб бизнинг қишлоққа,  
«Отланинглар! Юринглар!» деди.

Камбағаллар, батраklar тездан  
Отланишдик, кўп оғир сафар...  
Орқамиздан эргашар ўлим,  
Йўлимизда лиқ тўла хатар...

Ҳар тарафда ўликлар сасир...  
Далаларда вабо кезади...  
Қишлоқлар ёнади, нимжонларни  
Очликнинг азоби эзади...

Қурол етишмайди... ўқ-дори йўқ...  
Қарши бордик қора юзларга.  
Очликнинг азоби, касалнинг ғами,  
Сира кўринмади кўзларга.

Бўронларда, қорларда юриб,  
Петлюралар билан солишдик.  
Днепрнинг соҳилларида  
Махно билан роса олишдик...

Ўрмонлардан ўтиб, сувлардан кечиб,  
Юриш қилдик оқларга қарши.

Зарбимиздан ларзага келди,  
Қалтиради, аълоси-арши...

Биз Ватанни сақладик ёвдан,  
Бизга Ленин офарин деган...  
Эҳҳе... болам, қанча жангда бўлдим...  
Манов қўлим шунда ўқ еган...

Қизим комсомолка, агроном,  
Узим эса эски большевик.  
Мана энди роҳат яшаймиз...  
Ҳаммаси шай... ишимиз йирик...»

### XIII

Кўлда ўйнар ойнинг шуъласи,  
Ой нурида товланади тол...  
Уччовимиз концертга кетлик,  
Йўл-йўлакай сўзлаб борли чол.

«Ҳафсалам жойида қарисам ҳам,  
Газет, китоб ўқиб юраман.  
Ҳали бўш келмайман, ҳеч қолдирмай,  
Концертларни кўриб тураман...»

Мен куламан. Қизи ҳам кулар.  
Маза қилиб ўзи ҳам кулар...  
Юлдузлар жимирлар, сузилиб ой  
Гул баргига нурини улар...

### XIV

Колхозчилар билан зал тўла,  
Кийинишган, ясанган бари.

Залга киргач, кулган юз билан,  
Бир қанчаси келди биз сари.

Келганимни өшитганлари,  
Мени бирдан ўраша кетди.  
Неча йилги қадрдонлардай,  
Ҳоли аҳвол сўраша кетди.

Колхоздан, пахтадан сўрдилар,  
Жавоб бердим — хурсанд бўлдилар.  
Меҳмон бўлиб Ўзбекистонга  
Борамиз,— деб ваъда бердилар...

Дўстлик ҳисси, қардошлик ҳисси  
Тўлиб-тошди юрагимизда.  
Бу дўстлик, муҳаббат, иноқлик  
Саодатдир, одатдир бизда.

## XV

Барча тинди. Парда очилди.  
Бир қиз чиқиб қўшиқ бошлади.  
Ялтирайди зангори кўзи,  
Чимирилади камон қошлари.

Тўла келган, қомати расо,  
Товланади олтин кокили.  
Юзи гулранг, тиниқ, бир кўрганда —  
Асир бўлган кўпларнинг дили...

У, берилиб айтар қўшиғин,  
Барча толиб тинглар, барча жим.  
Юрак уриб: жимирлаб кетди,  
Чумоли юргандай баданим.

Лақабини булбул дейишиб  
Атабдилар, чиндан-да булбул.  
У тугатди, олқишладилар...  
Кенг саҳнага тўлиб кетди гул...

«Бизнинг булбул ишда ҳам яхши!»—  
Деди боғбон севинчга тўлиб.  
Яна биров чиқиб ўйнаб кетди,  
Гир айланиб қуюндай бўлиб.

Яна ўйин... ашула... лапар...  
Соат бирда тарқалишдилар.  
Биз кетамиз асфальт йўллардан.  
Кеча ойдин, ялтирар сувлар...

— «Қалай,— дейди,— дурустми, меҳмон?..»  
Менга қараб киприклари ўқ.  
Дейман: «Қойил! Дуруст ҳам гапми,  
Бундай концерт Москвада ҳам йўқ!..»

Кулиб дейди: «Ўғлим, шу ерда қол,  
Сени куёв қилиб олайин.  
Ўйинқароқ қизи тушкурдан  
Бир йўласи тинчиб қолайин...»

Мен куламан. Қизи ҳам кулар.  
Хурсанд бўлиб ўзи ҳам кулар...  
Гуллар маст уйқуда, сузилиб ой  
Гул баданига нуруни улар...

«Ҳазил эмас,— дейди жиддийлашиб,—  
Менинг учун ҳаммаси бирдек.  
Фақат инсон бўлсин! Бизники бўлсин!  
Фарқи йўқдир — украинми, ўзбек».

Қошки дейман ичимда... гўзал  
Комсомолка... агроном ўзи...  
Ҳуснда тенги йўқ... Севги тўла  
Жавдирайди зангори кўзи.

## XVI

Кеча сутдай ойдин. Мен ётаман  
Деразадан осмонга қараб.  
Кўзларини сузиб ой кулади,  
Нозланади сочини тараб.

Кеча ойдин. Ялтирар сувлар,  
Ой нурида товланади тол.  
Севинчимни силаб, эркалатиб,  
Чувалади ширин бир хаёл...

Янгича урф, янгича турмуш,  
Янгича иш, янгича одат,  
Ҳалол меҳнат, фаровон ҳаёт,  
Шу эмасми, бизнинг саодат?..

## XVII

Украина еллари! Сарин еллар!  
Сочларимни ўпиб кетдингиз.  
Чечакларни қучиб, кула-кула ўйнаб,  
Ёқимли соз чалиб ўтдингиз...

*1935. Сентябрь*

# МИРЗА ХАМДАМ

## I

Саратоннинг қайноқ кунлари,  
Бурқирайди йўллардаги чанг.  
Чанқов тушда йўлда бир йигит,  
Келар эди ёлғиз, хаёлчан.

Пастдан тупроқ, тепадан қуёш  
Ёндирарди бош-оёғини...  
Усти боши чиппа тер бўлган,  
Чанг босганди ҳамма ёғини.

Қадам ташлар ғариб йўловчи,  
Манзил узоқ — йўлларда хатар.  
Қора замон — раҳмсиз овчи,  
У, домига тушган кабутар.

Қора замон уни ҳам бўғар,  
Ҳам аврайди қуръон номидан.  
Толпинади хаста кабутар,  
Қутулай деб унинг домидан...

Йўл босади ғариб йўловчи,  
Кўкрагига солинган боши.  
Елкасида тўрва, қўлида таёқ,  
Милтирайди кўзида ёши.

У, келади дам олмай сира,  
Йўлларида ҳисобсиз довон.  
Турмуш довонидан оша-оша,  
Тилим-тилим ёрилган товон...

Йўл-йўлакай ўйлайди Ҳамдам:  
«Нима кўрди, бу ғариб бошим?  
Ёшлигимдан бери бахт ахтариб,  
Кўча-кўйда тўкилдн ёшим...

Утиб кетди дод деб болалик,  
Севинчлардан, роҳатдан узоқ.  
Қатта бўбман... юксалай десам.  
Ёвлар қўйди йўлимга тузоқ...

Мирза Ҳамдам, бир нафас бўлсин,  
Қорнинг тўйиб овқат эдингми?  
Эшитганинг ҳақорат бўлди,  
Шунча бахти қаро эдингми?!

Сен ишладинг кечаю кундуз,  
Роҳатини кўрди бошқалар.  
Ҳақ сўрасанг бошингда қамчи,  
Хўжайинлар ит бўлиб талар...

Ҳасратинг кўп, ғинг деёлмайсан,  
Ўткир қилич сенинг бўйнингда...  
Шу ёшга кирибсан, эркалаб ёр,  
Тўлғонмади, ҳали қўйнингда...

Ота ўлди. Она кўмилди,  
Синглинг қолди сочинни юлиб.  
Биласанми, Ҳамдам, бахт деган нарса  
Боққанмиди бир йўла кулиб?..

Дарбадарман кўча-кўйларда,  
Йўл босаман, тугамайди йўл.  
Тугамайди ғаму ғуссалар,  
Кимга айтай, ҳасратларим мўл.

Укалар ҳам кетдилар тентиб,  
Балки қайтиб кўра олмасман...  
Тентиб юриб ўлиб кетарлар...  
Балки мен ҳам тирик қолмасман...

Анча бўлди бу ҳодисага,  
Ўтар эди ўн олтинчи йил.  
Мирза Ҳамдам, жуда хор эдинг,  
Ҳасрат билан тўла эди дил.

## II

Энди тамом бошқасан. Ҳозир,  
Қайғу нима билмайсан сира.  
Ўтиб кетган қора замонлар,  
Фақат қолган аччиқ хотира.

Ўтганларни унутолмайсан,  
Хотирангнинг жилвалари кўп.  
Ҳар хотира қулоқ сол дейди,  
Олтин миянг жавоб берар:— Хўп.

Ўтмишдаги азоб изларин,  
Ҳамон сақлар қуралай кўзинг.  
Эслай-эслай хотираларни,  
Натижага келасан ўзинг:

— Ўтиб кетар экан барчаси,  
Қолар экан ёлғиз хотира.



Ё йиғлатган, ё кулдирган он  
Чиқмас экан хотирдан сира...

Утган ўтиб кетди. Майлига,  
Келиб етган саодатли дам.  
Тирик қолдинг, бахтинг бор экан,  
Шунисига хурсанд бўл, Ҳамдам!

Улган бўлсанг ўша чоқларда,  
Кетар эдинг ному нишонсиз.  
Ўтар эдинг дунёдан шундай,  
Якка куйи, шарафсиз, шонсиз.

Шунисига хурсанд бўл, Ҳамдам!  
Бахтиёр кунларга эришдинг.  
Саодатли кишилар билан,  
Бахт гулини бирга теришдинг.

Сеп буюк, шарафли ўлканинг  
Граждани бўлдинг, қандай бахт!  
Барқ уради шарафинг, шонинг,  
Кемтигинг йўқ — хоҳлаганинг нақд.

Ҳовли-жойинг, боғинг, гулзоринг,  
Бола-чақанг, гўзал ёринг бор.  
«Мен колхозда аъзоман» деган,  
Жуда юксак ифтихоринг бор.

Энди сенинг кўкрагинг баланд,  
Тубанларга эгилмас бошинг.  
Дарбадар, йўлларни кезмайсан,  
Кўча-кўйда тўкилмас ёшинг.

### III

Ез фаслининг илиқ бир туни,  
Кўкда силжир ўн беш кунлик ой.  
Чарақлайди сонсиз юлдузлар,  
Жим оқади кумуш каби сой.

Тун ғоятда гўзал, шабада,  
Ўзида йўқ қувониб ўйнар,  
Гўзаларнинг баргидан ўпиб,  
Чечакларга ишқини сўйлар...

Жўякларда жилдирайди сув,  
Нур ичида ётар пахтазор.  
Кумуш каби сувда ой нури,  
Жилваланар, ярқирар, ёнар...

Қетмонига суяниб туриб,  
Гўзаларга тикилар Ҳамдам.  
Сув ичида гўзалар қониб,  
Япроқларда ялтирар шабнам...

Шу он унинг кўнглидан ўтар,  
Берилажак юз ўн центнер,  
Ширин хаёл, табассум билан.  
«Яхши бўлар бера олсам...» дер.

Ажаб эмас бермоқчи бўлса,  
Гектаридан юз ўн центнер.  
Гулламасдан қолган эмас ҳеч,  
Ҳамдамжоннинг қўли теккан ер.

Яхши кўрар пахтазорини,  
Кўп вақтини ўтказар шунда,

Колхозига, ғўзаларига,  
Битмайдиган севги бор унда.

Ғўза, унинг яхши кўргани,  
Ғўза, унинг севинчи, ори.  
Ғўза, унинг юрак шеъридир.  
Ғўза, унинг давлати, бори.

Бутун ҳунарини, бутун меҳрини,  
Бутун санъатини ғўзага берар.  
Қайта-қайта ишлаб ерини,  
Меҳнатини аямай тўкар.

Мирза Ҳамдам ҳар туп ғўзани,  
Алоҳида парвариш қилар.  
Ҳар бир кўсак унга таниш, у —  
Сувнинг, ернинг «тилини» билар.

Уни ҳеч ким сўкмас ишла деб,  
Уни ҳеч ким мажбур қилмайди.  
Кеча-кундуз ишласа ҳам, у  
Чарчашликни сира билмайди.

Ўз касбига санъат деб қараб,  
Ҳавас билан, завқ билан ишлар.  
Меҳнатини шараф деб билиб,  
Кўнгил билан, шавқ билан ишлар.

У, қул эмас ёки мардикор,  
У, обрўлик, озод, ҳур киши.  
У, ижодчи, у, бир санъаткор,  
Қимматбаҳо санъатдир иши.

Кетмонига суяниб туриб,  
Ғўзаларга тикилар Ҳамдам.

Сув ичади ғўзалар қониб,  
Япроқларда ялтирар шабнам.

Қувонтирар ғўзанинг ранги,  
Қувват берар қора кўзига.  
Ишонмасдан бахтига гоҳи,  
Ҳайрон бўлиб қарар ўзига.

Ким эди у, ким бўлди ҳозир?  
Қимсан Мирза Ҳамдам... донги зўр,  
Келажаги ойнадай равшан,  
Энди ҳеч вақт бўлмаяжак хўр?

Миясида баҳор қушларидай,  
Гала-гала севинчлар кезар.  
Ширин хотиралар, шарафлар,  
Хаёлини кулдиран, безар.

#### IV

Утган йили нималар бўлди?  
Мажлисларда мақташди қат-қат.  
Кўз-кўз қилди бутун дунёга,  
Бошига кўтарди мамлакат.

Табрик келди Кавказ тоғидан,  
Табрик келди Москва шаҳридан.  
Табрик келди Сибирь ёғидан,  
Табрик келди Нева наҳридан.

Суратини чизди рассомлар,  
Унутилмас ҳодиса бўлди.  
Мадҳиялар ёзди шоирлар,  
Юраклари севинчга тўлди.

Барчанинг оғзида Мирза Ҳамдам,  
Газетада мақташди минг бор.  
Ажабо шу қадар кўтарилдими,  
Бир замонлар йиғлаган зор-зор?

Мукофот деб сигир бердилар,  
Уй бердилар, мутлақо янги.  
Шон бердилар, обрў бердилар,  
Гул рангидай қизарди ранги.

Гўё у, дунёга янги келди,  
Дунё унга байрам қиларди.  
Шундай, у, янгидан туғилди,  
Бахт унинг бошини силарди.

## V

Эсида бор катта мажлисдан  
Қайтиб келиб йиғлади уйда.  
Бу, буюк шодликнинг изоҳи,  
Ифодаси эди. Шу куйда —

Уйлаб кетди ўз ҳаётини,  
Эсга тушди ўтган кунлари.  
Эсга тушди ота-оналари,  
Азоб чеккан қора тунлари...

Ҳозир улар бўлса қутларди,  
Бу гўзал ҳаётга берилиб.  
Афсус, улар ўлиб кетганлар,  
Қачонлар тупроққа қорилиб...

Мирза Ҳамдам тушунолмайдди,  
Тушимми бу? Унгимми?— дейди.

Терисига сифмай, мукофотга  
Колхоз берган чопонни кийди.

— Морак бўлсин,— деди хотини.  
— Қуллуқ,— деди илжайиб Ҳамдам.  
Болаларнинг орзи қулоғида...  
Хотиридан чиқмас ўшал дам.

Ҳовлисида сигир маърайди,  
Кассага қўйилди ақчаси.  
Кўз олдига келар янги уй,  
Томорқаси, гўзал боқчаси...

Тоза ҳайрон, ақли етмайди,  
Шошиб-пишиб ҳадеб ўйлайди,  
Боса олмай ҳаяжонини,  
Хотинига қараб сўйлайди:

— «Нима қилдик ахир? Ниҳоят  
Меҳнат қилдик, ерга тўқдик тер,  
Чин кўнгилдан ишладик, бердик  
Гектаридан олтмиш центнер.

Шу учун, шу қадар ҳурматми?  
Шу учун, шу қадар мартаба?  
Бу ҳурматга арзир жонингни  
Фидо қилсанг миллион мартаба!

Бизнинг мамлакатда меҳнат шунча  
Тақдирга сазовор эканми?  
Ҳаёт шунча ширин, одам шунча азиз,  
Шунчалар бахтиёр эканми?..»

Ҳаяжони зўр эди ғоят,  
Нега уни мажнун этмади?

Қандай чидаш берди юраги?  
Нимага ёрилиб кетмади?

Завқ ва енгил табассум билан  
Эслаб чиқди буларни Ҳамдам...  
Осмонда ой. Сойда кумуш сув,  
Юракка ишқ солувчи бир дам...

## VI

Жўякларга кўз солиб чиқар,  
Сув ичида ғўзалар қониб.  
Кўкда сонсиз-саноқсиз юлдуз,  
Жимирлайди, чарақлаб ёниб...

Уйга томон йўл олар секин  
Пахталарни суғориб бўлиб.  
Атрофига шўх назар ташлар,  
Кўкка қарар ҳавасга тўлиб.

Назарида оппоқ ой гўё  
Лўппи бўлиб очилган ғўза.  
А юлдузлар — олтин кўсаклар...  
Ел югурар Ҳамдамдан ўза.

Назарида ҳар нарса қувноқ,  
Ҳар бир нарса кулиб тургандай,  
Кенг дунёнинг барча севинчи  
Атрофида кезиб юргандай...

*1936. 1 январь*  
*1937. Сентябрь*

# В А Ф О

## I

Уфққа туташар ғуруб оташи,  
Салқин тушиб келар водий қўйнига.  
Атир сочиб ҳар ён, гуллар шабнамдан  
Марварид тақмоқчи нозик бўйнига.

Кўкда тентирайди бир тўп оқ булут,  
Гўё кўлда сузар оққув галаси.  
Кўзни қамаштириб товланар аста,  
Давлатманд колхознинг кўм-кўк даласи.

Қаёқдандир келар қўй маърашлари,  
Тўзон кўтаради подалар йўлдан,  
Толда чуғурлашар қушлар, ғағиллаб  
Ўрдак овозлари юксалар кўлдан.

Тинмай қўшиқ айтиб сув оқар сойда,  
Жимжит қулоқ солар қирғоқда толлар.  
Одамлар бошига тушган фалокат,  
Даҳшатдан беҳабар ўйнар шамоллар.

## II

Шу июнь оқшоми қиз билан йигит,  
Хайрлашди кумуш анҳор бўйида.



Евга қарши ғазаб, юртга муҳаббат  
Яллиғланар эди мардлар ўйида.

Эл бошига тушган зўр мусибатдан  
Яхши огоҳ эди йигит ҳам, қиз ҳам.  
Қиз зафар тилади йигитга, йигит  
Жанг сари отланди ўтказмайин дам.

Ажралиш онининг оғир дардини  
Яширмоқ истарди биридан бири.  
Аммо кўзлардаги ҳаяжонлардан  
Бир-бирига аён юракнинг сирини.

Йигитнинг юзида титрар табассум,  
Куч билан босади ўзини ўзи.  
Кечки булутларнинг олтин кўксига  
Дам-бадам тикилар оташин кўзи.

Қалтироқ босади қизнинг танини,  
Гўё олов бўлиб чиқар нафаси.  
Ҳурккан кабутардай типирчилар қалб,  
Шунча тор келдими кўкрак қафаси?

Сўнгги бор тикилди кўзларга кўзлар,  
Меҳру муҳаббатга, вафога тўлиб.  
Йигит силар экан қизнинг сочини,  
Қиз сўзга лаб очди бетоқат бўлиб:

—«Ҳар нарсадан олий юрт ва халқ бахти!  
Бу бахтни душманга олдира кўрма!  
Озодлигимизни, номусимизни  
Ёвузлар қўлида қолдира кўрма!

Ҳар нарсадан тубан хоин ва қўрқоқ!  
Жангларида ўлимдан қўрқма! Ботир бўл!

Шону шараф, зафар ҳамроҳинг бўлсин!  
Ой бориб, омон кел! Яхши бор! Оқ йўл!»

Камол жавоб берар ҳаяжон билан:  
—«Амин бўл, Ойжамол, улуғ Ватанга  
Садоқатим беҳад, севгим беҳисоб  
Шу севги туфайли бораман жангга.

Бурчимни оқлайман шараф билан мен,  
Биламан, хиёнат ўлимдан ёмон.  
Мени кут, Ойжамол, душман устидан  
Ғалаба қозониб қайтаман омон.

Амин бўл, юзингни қизартирмайман,  
Ёринг хиёнаткор ё қўрқоқ эмас.  
Фақат бир илтимос: пахтазорларда  
Бизнинг йўқлигимиз билинмаса бас».

«Кутама, унутма, бевафо бўлма,  
Садоқатинг улуғ ишқимга асос!  
Агар мен севгингга хиёнат қилсам,  
Қора сочларимни сиртмоқ қилиб ос».

Камол ҳаяжонда ўт бўлиб, қизни  
Қучоғига босди жавоб ўрнига.  
(О, нега юракка туташар оташ?  
Мардона кўзларга ёш келар нега?)

Узоқ ва оташин бўсадан кейин,  
Камол хайрлашиб, аста йўл олди.  
Гунча дудоқларда ўша бўсанинг  
Умр бўйи кетмас тотлари қолди.

Уфққа бош қўйди ҳорғин ва аста,  
Йиғлаган кўзлардек қизариб қуёш.

Гул баргига тушган шабнамдай қизнинг  
Юзларига томди икки қатра ёш...

### III

Йиллар ўтиб кетди. Ва лекин қизнинг  
Хаёлидан кетмас ўша ширин он.  
Ҳамон ларза солар унинг қалбига  
Ўша хайрлашув, ўша ҳаяжон.

Кундан-кун ортади қизнинг севгиси,  
Бир дақиқа бўлсин унутмас ёрни.  
Эслайди ҳар нафас, кутади ҳар дам  
Зориқиб кутгандай қушлар баҳорни.

Яхши кўрадики, шунча интизор,  
Яхши кўрадики, ёнади шунча.  
Яхши кўрадики, ҳар машаққатга  
Бардош бера олди олтин тушунча.

Яхши кўрадики, ҳеч бир нарсани,  
Ҳатто жонини ҳам аямас ундан.  
Яхши кўрадики, кечаю кундуз  
Меҳнатга берилиб кетиши шундан.

У ўйлар: «Дамларни бекор ўтказиб  
Ҳаёт гарданига бўлмайн мосил.  
Элнинг фойдаси-ку, ёрга мадад-ку,  
Колхоз даласида кўпайса ҳосил...»

Қизнинг маҳорати, битмас ғайрати,  
Меҳнати ҳайратга солар кишини:  
Ёд этиб ёрининг талабини у  
Икки-уч одамнинг қилар ишини.

## IV

Ҳар кун қаршилайди уни шўж анҳор,  
Кумуш тўлқинлардан кўрсатиб чирой.  
Мана ўша сўнгги учрашган манзил,  
Мана ўша қирғоқ, ўша сўлим жой.

Шу ерда ўпишди сўнгги бор, мана  
Зумрад соҳил, оқтош — тилсиз гувоҳлар.  
Мана ўша бир туп кекса мажнунтол,  
Анҳорга солланган паришон шоҳлар.

Улар ҳеч нарсадан беҳабар, ҳамон  
Хушчақчақ сувлардан тинглар ҳикоя.  
Яшириб тургандай туюлар ёрни,  
Мажнунтол қирғоққа ташлаган соя.

Чиндан ҳам бекиниб турган бўлса-чи,  
Кекса мажнунтолнинг соясида у?..  
Сойда ким шивирлар? Оҳ, хаёл! Хаёл!  
Алдама! Ёр бўлиб шивирлама сув!

## V

Ёр кетгандан бери қанча вақт ўтди?  
Бир йилми? Ун йилми? Юз йилми? Қанча?  
Нега имирсилаб чўзилар онлар?  
Нега дамлар учмас қиз ўйлаганча?

Қачон келар экан висол кунлари?  
Қачон қайтар экан булбули боққа?  
Ғалаба тонгида олқишлаб ёрни,  
Қачон босар экан иссиқ қучоққа?

Қиз ўйга чўмади сувга тикилиб,  
О, яна тортади гирдобига ғам.  
Ҳижрон азобидан сиқилар дили.  
Яна гул юзига тушади шабнам.

## VI

Ховлини қоплаган гулларнинг ҳиди,  
Ой нури сочилган ипак гиламга.  
Сўрида ўтириб қулоқ солар қиз  
Сукунатга тўлган ўтгучи дамга.

Сукунат. Сир тўла жимлик. Барча ёқ  
Уйқуда. Фақат қиз ухламас танҳо.  
Сукунат юклаган дамлар оқади.  
Ростдан ҳам шу қадар жиммикан дунё?

Йўқ, унда фронтда тўплар товушидан  
Ларзага келади ер билан осмон.  
Қонли окопларда жангчилар бедор,  
Ўқ еган жонвордай тўлғанар жаҳон.

Бу ойдин кечанинг ҳар бир онда  
Юзлаб дарё оқар ёвнинг қонидан,  
Ватан саодати, халқ бахти учун  
Минглар жудо бўлар азиз жонидан.

Йўқмикан уларнинг ичида ёри  
Қонли жангда нобуд бўлмадимикан?  
Ўлим саҳросида хазонга учраб,  
Умрининг чечаги сўлмадимикан?

Наҳотки кўк кийиб бўтадай бўзлаб,  
Сочларини юлиб аза тутади?

Йўқ, йўқол, эй ваҳм, сирли сукунат,  
У зўр умид билан ёрни кутади!

## VII

Севгани барҳаёт. У балки ҳозир  
Ғарбга қадам ташлар бардам ва мағрур.  
У балки шу тобда душманни қувлар,  
Зулматни қувгандай тонг чоғида нур.

Балки озод бўлган белорус қизи,  
Раҳмат айтиб унга тутар гулдаста.  
Балки ўрмонзорда оғир жангдан сўнг,  
Дам олар кўкатга ёнбошлаб аста.

Балки у ҳам ойга тикиб кўзини,  
Пахтазорда қолган ёрини ўйлар.  
Балки уйқудадир, тушига кирар  
Ғалаба сўнггидан бўлажак тўйлар.

Уй билан бўлди-ю, сезмай қолди қиз  
Субҳидам елининг парвоз этганин.  
Уй билан бўлди-ю, билмай қолди қиз  
Утирган жойида мудраб кетганин.

Тушида ёр келар тулпор ўйнатиб,  
Кўксида ярқирар олтин юлдузи.  
Отдан сакраб тушиб босар бағрига,  
Мисдай қизиб кетар қизнинг гул юзи.

Гапга лаб очолмас ҳаяжонидан,  
Тиёлмас шодликдан оққан ёшини.  
Сўнг чўчиб уйғонар, атрофга ҳайрон —  
Кўз ташлар ёстикдан олиб бошини.

Гулларни тебратар гулшанда сабо,  
Уфқни қоплайди тонгнинг кулгуси.  
Гўё юз ювади нуроний гўзал,  
Кифтида солланар олтин сулгуси.

## VIII

Тонгга боқиб қизнинг юксалар руҳи,  
Қудрат олар тонгнинг ол байрогидан.  
Ишонч, умид тўлар қора кўзига  
Шубҳа, ғам йўқолар кўнгил боғидан.

Қиз шошиб жўнайди пахтазорига,  
Юрак тўла умид, дил тўла армон.  
Меҳнат қилиш керак чарчамай-тинмай,  
Меҳнатдан топилар дардига дармон.

Меҳнат қилиш керак, муқаддас меҳнат,  
Ёрга мадад бўлур, дилга овунчоқ.  
Балки ёри қайтар жангни тамомлаб  
Кумуш пахталарга тўлганда қучоқ.

Дарёдай чайқалиб, юракка сизмай  
Висол умидлари тўлқин уради.  
Қиз субҳидамдан то оқшомга қадар  
Пахтазорда тинмай ишлаб юради...

## IX

Туннинг турқи хира. Ой ботди — сўнди  
Кўкнинг айвонига ёқилган фонарь.  
Жангда донг чиқарган ботир Камолнинг  
Ўткир кўзларида сергаклик ёнар.

Урмон ичи тўлган оғир жимликка.  
Ёнбошига ботар сойликнинг тоши.  
Унинг кўзларига хунук кўрнар  
Куйган қарағайнинг сўппайган боши.

Адашган йўлчидай дайдиб юрган ел  
Қонли майсаларнинг сочини тарар.  
Бомбадан абжағи чиққан окоплар,  
Уприлган гўрлардай бақрайиб қарар.

Камол кўз ташлайди чуқур жарликка.  
Илондай буралиб сув оқар пастда.  
Ҳадемай бошланар даҳшатли ҳужум,  
Мана, тонг оқариб келмоқда аста.

Ҳужумга ўтади соҳибқиронлар,  
Қиёмат солишиб ёвнинг бошига,  
Чекинар қон қусиб фашизм — зулмат,  
Бардош беролмайин эрк қўёшига.

## Х

Қута бериб зафар айёмларини,  
Тугайди йигитнинг сабру қарори.  
Ғалаба чоғини ўйлаганида  
Албатта ёдига тушади ёри.

Ғалаба юз берса, ҳижрон тугайди,  
Шубҳасиз етишар ёрнинг васлига.  
Ўтиб кетар қирғин, қонли тўполон,  
Ҳар бир нарса қайтар яна аслига.

Қўлга кетмон олар қурол ўрнига,  
Пахта ўстиради кенг даласида.



Қирғин, ҳалокатни унутади-ю,  
Бола улғайтирар онласида.

Уруш оловлари сўнади шаксиз,  
Қон тўкиш ўрнига гул экар боққа.  
Ёв вайрон айлаган қишлоқлар, уйлар,  
Шаҳарлар қайтадан турар оёққа.

Ҳозир ёвни қириш эзгу зарурат,  
Ҳозир ғазаб қуши этади парвоз.  
Ҳозирча ҳисларнинг кучлиси қасос,  
Қанча кўп йўқотса ёвни — шунча соз.

Қачон бошланади муқаддас ҳужум,  
Сабр пиёласи тўлиб-тошди-ю!  
Қачон ёвни қирар ғазаб оташи,  
Қасос алангаси ҳаддан ошди-ю.

Шунда жанг қилади йигит беармон,  
Ҳамла қилар ёвга ёзиб қулочин.  
Ғазаб-ла ташланар душман устига,  
Чумчуқ галасига теккандай лочин.

## XI

Ҳадемай шиддатли тўплар товушидан,  
Тунги сукунатнинг чоки сўкилди.  
Ерни остин-устун қилиб қўпориб,  
Жаҳаннам ўтлари кўкдан тўкилди.

Ҳавони қоплади даҳшат, гулдурос,  
Жондан кечиб мардлар тушади жангга.  
Тикка борадилар ўлимга қарши,  
Садоқат кўрсатиб азиз Ватанга.

Камол жанг қилади олдинги сафда,  
Уни қўрқитолмас на ўқ, на ўлим.  
Мард йигитга жангда тисарилиш йўқ  
О, зафар илҳоми нақадар сўлим!

Ҳеч нарсани сезмас жанг қизигида,  
Олов бўлиб кетган, шер бўлиб кетган.  
У билади минг йил қирғин бўлса ҳам  
Фақатгина ўлар ажали етган.

«Менга ёндошолмас мутлақо ажал,  
Ғалаба ва ҳаёт менинг қисматим.  
Қўрқоқлик, хонлик ботқоқларида  
Булғанмас ҳеч қачон шоним, қисматим.

Мумкин эмас асло менинг ўлишим,  
Ахир кутмоқда-ку умид билан ёр?»  
Деди-ю, чайқалиб йиқилди бирдан,  
Юзу кўзларини қоплади ғубор.

Қаради бошини кўтариб зўрға,  
Осмон гир айланар, кўз олди туман.  
Тушими, ўнгими? Таажжуб! Нега  
Оғир танасидан сизиб чиқар қон.

Наҳотки сўнги дам? Наҳотки ўлим  
Илондай сирпаниб келди қошига.  
«Йўқ, бу туш», деди-ю, ҳушидан кетди  
Аста бош қўяркан сойнинг тошига...

## XII

Йигит госпиталда келди ҳушига,  
Бир қўлдан ажрабди... Юз бермиш кулфат,

Бошини ўради оғир хаёллар...  
У билан қайғу ҳам бўлмоқчи улфат.

Бориб-бориб яна ўнг қўл кетибди,  
Ўзини яримта сезади Камол.  
Узоқ қишлоғига олиб кетар ўй,  
Яна кўз олдига келар Ойжамол.

Баъзан фикрлари қарама-қарши,  
Баъзан юрагини шубҳа эзади,  
Наҳот юз ўғирар Ойжамол ундан?  
Шунда у ўзини ожиз сезади.

Балки борганида совуқ қаршилар,  
Ҳолига ачиниб пича тўкар ёш.  
Сўнг: «Тақдир шу экан, азизим, энди  
Бошқа ёр ахтар» деб айтар бағритош.

Йўқ, бу мумкин эмас, бу бир хомхаёл!  
Ёри албат кутар бўлиб интизор.  
Бардош этолмаса машаққатларга,  
Қандай қилиб одам бўла олур ёр?

Қандай қилиб ахир севганига ёр  
Бера олур азоб устига азоб?  
У қандай садоқат, у қандай севги,  
Оғир синовларга беролмаса тоб?

Унутишлик учун севганмиди қиз,  
Фалокат келганда йигит бошига?  
Йўқ, вафо боғини тарк этмайди у,  
Қойил қолар жаҳон қиз бардошига!

Борганда бағрига босиши аниқ,  
Интизор кўзлари юлдуздай порлаб.  
Унутишга мажбур этиб дардини,  
Тасалли беради ҳаётга чорлаб.

Кўзлаб ўз жонининг ҳаловатини,  
Қиз асло кетмайди ишқидан тониб.  
Аммо йигит билар: кўриб ҳолини  
Азоб чекар ёри ичидан ёниб.

Юзида кулару, ичида йиғлар,  
Ачиниш азоби ҳижрондан оғир...  
Шу сабаб азобдан қутқариб ёрни,  
(Гарчи кул бўлса ҳам ўртаниб бағир).

Хат ёзди ҳолини англатиб унга.  
Сатрларга томди кўзининг ёши...  
(Наҳотки ёридан бўлади маҳрум,  
Наҳотки ботади севги қуёши?)

### XIII

#### КАМОЛНИНГ ХАТИ

Азизим, тирикман... Зафар байроғи  
Сочмоқда қуёшдек бошимизга нур.  
Ватан саодати, халқ садоқати,  
Солмоқда дилларга бир дунё ғурур.

Фахрлансам арзир, мен жангда қўрқоқ  
Ё хоин бўлмадим жонимни сақлаб,  
Лозим бўлди, бердим саломатликни  
Жангда Ватанимнинг орини оқлаб.



Ишқим аввалгидай жўш урар!.. аммо  
Кечир, боролмайман энди ёнингга.  
Кўнглинг ғаш бўлади мени кўрганда...  
Азоб бергим келмас азиз жонингга.

Истамайман сени бахтсиз қилишни,  
Мосил бўлиб, майиб ҳолимча, сенга.  
Сен ҳаёт ғаштини сур, ғамдан озод,  
Сенинг саодатинг муддао менга.

#### XIV

#### О Я Ж А М О Л Н И Н Г Х А Т И

Бу аччиқ сўзларни ёзишда менга,  
Қандай қилиб тилинг келишди, мардим?  
Истадингми, куйиб кул бўлайину,  
Кўкларга совурилсин бир ҳовуч гардим?

О, бу аччиқ сўзлар ишқимга бўҳтон!  
Наҳот шу чоққача билмасанг мени?  
Ҳижрон азобида қон тўкиб тўрт йил,  
Шу умидлар билан кутдимми сени?

Омон қолганлигинг менинг толеим,  
Ўзга сўзларни қўй, ортиқча бари.  
Ҳали гул ҳаётнинг қарзи бор бизда,  
Ҳали тугамаган севги дафтари.

Сенсиз менга, жоним, саодат қайда?  
Сен менинг ҳаётим, сен кўрар кўзим!..  
Мабодо ажралган бўлсанг кўзингдан  
Кўзингнинг ўрнига кўз бўлай ўзим.

Агар қўлсиз бўлсанг, ўзим қўл бўлай,  
Қўлтиқтаёқ бўлай оёқсиз бўлсанг.  
Аммо розимасман мусибатларга  
Бардош беролмайинг ҳам билан сўлсанг!

Ишқинг ўзингдами? Виждонинг борми?  
Биргани юрагинг, шарафинг, шонинг?  
Халқнинг озодлиги, Ватан йўлида  
Зое кетмадимми тўкилган қонинг?

Шу менга кифоя! Зориқтирмай кел,  
Ҳамон ўша севги, ўша садоқат!  
Майиб бўлсанг оғир... аммо нечора?  
Ҳар машаққатга ҳам қиламиз тоқат!

Кел менинг ҳаётим! Кел менинг бахтим!  
Кел тезроқ, этмайин кўз ёшимни сел!  
Бутун дунё сени ташлаганда ҳам,  
Ўзим ташламайман, ҳузуримга кел!

## XV

Уша тўрт йил аввал учрашган манзил,  
Уша гўзал қирғоқ, ўша сўлим жой.  
Йигит билан қизни қаршилар анҳор,  
Кумуш тўлқинлардан кўрсатиб чирой.

Ошиқлар сўзига қулоқ солади  
Зумрад соҳил, оқтош — тилсиз гувоҳлар.  
Қулоқ солар бир туп кекса мажнунтол,  
Анҳорга солланган паришон шоҳлар.

Ошиқлар бахтидан қирғоқда гуллар  
Ўйноқи сувлардан тинглар ҳикоя.

Дўстларни бегона кўзлардан асраб,  
Мажнунтол қирғоққа ташламыш соя...

Узоқ ва оташин бўсадан кейин,  
Йигит тиёлмади севинч ёшини.  
Қалбида қайғудан қолмади асар,  
Фалакка етгандай сезди бошини.

Камол ўйнар экан, тўрт йил соғинган  
Вафодор ёрининг гул ҳидли сочин,  
Майблиги сира билинмай қолди —  
Синган қанотини тиклади лочин...

Нурга, гулга чўмиб кўринар ҳар ёқ,  
Ҳаёт ишқи билан мавж урар олам.  
Гўёки табиат қичқирар: «Яшаш  
Завқини қониб қол, фаниматдир дам!»

Табиат товушига эргашиб йигит,  
Овози борича қичқирар баланд:  
«Бўламиз донмо: муҳаббат, меҳнат,  
Яшаш ва қурилиш завқи билан банд!»

Севги давом этар вафо боғида,  
Гулларга кўмилмиш соҳил — сўлим жой.  
Кўшиқ айтиб оқар завқи зўр анҳор,  
Кумуш тўлқинлардан кўрсатиб чирой.

1946. Апрель—июль



# ЁЛҒОНЧИНИНГ ЖАЗОСИ

*(Халқ эртаги)*

Қадим ўтган замонда,  
Каттақўрғон томонда,  
Бир очкўз бой бор эди,  
Феъли жуда тор эди.  
Ёлғончи ҳийлакор бой —  
Доғули, хасис Холвой,  
Ҳаммага бериб озор,  
Кўпларни йиғлатиб зор,  
Яшарди тегиб жонга.  
Ишонмасдан чўпонга,  
Ўзи боқарди қўйни,  
Кўп йўғон эди бўйни.  
Қорни кажава каби.  
Қалин ва тиртиқ лаби.  
Носдан қорайган тиши.  
Фитнаю иғво иши...

Бир кун тонгга яқинроқ,  
Хавфсиз, жим эди ҳар ёқ.  
Кўздан уйқу йўқолди,  
Холвой зерикиб қолди.  
Шунда ётиб ўйланди,  
Ўз-ўзича сўйланди:  
Бекор ўтмасин дамлар,

Лақилласин одамлар.  
Қизиқчилик қилайин.  
Халойиқни билайин,  
Келармикин чақирсам,  
Ёлғондакам бақирсам.  
Бу фикр жуда ёқиб,  
Холвой атрофга боқиб:  
— «Дод, келинлар, келинлар!  
Югуринлар, елинлар!  
Кўйимга тегди бўри,  
Кўйнинг қуриди шўри!»—  
Деб, ёлғондан бақирди.  
Одамларни чақирди.  
Эшитиб унинг додин,  
Аччиқ-аччиқ фарёдин,  
Қишлоқдаги бор одам,  
Ўтказмайин сира дам,  
Уйқудан ирғиб турди,  
Ёрдам учун югурди.  
Кўлга таёқ олишиб,  
Чопиб, чарчаб-толишиб,  
Етиб келиб кўрсалар,  
Воқеани сўрсалар,  
Ҳаммаси бекор экан,  
Холвой ҳийлакор экан.  
Алданганларин билиб,  
Тоза ҳам алам қилиб,  
Одамлар хафа бўлди,  
Ҳамда ғазабга тўлди.  
Бойни роса сўкдилар.  
Обрўсини тўкдилар.  
Сўнг тарқалиб кетишди,  
Уйларига етишди.  
Яна бир кун кечаси,

(Билмам ойнинг нечаси).  
Бўрилар увиллашди,  
Атрофдан чувиллашди.  
Итлар қўрқиб ҳурдилар,  
Қўйлар ҳуркиб турдилар.  
Аmmo ҳаял ўтмасдан,  
Биқиниб келиб пастдан,  
Бўрилар ҳамла қилди,  
Холвой аҳволни билди:  
— «Дод, келинглар, келинглар!  
Югуринглар, елинглар!  
Қўйимга тегди бўри.  
Қўйнинг қуриди шўри!»—  
Деб дод солиб бақирди,  
Одамларни чақирди.  
Лекин энди бу сафар,  
Ёрдам учун бир нафар  
Одам бўлсин келмади,  
Холвой сари елмади.  
Шунда Холвой йиғлади,  
Юрагини тиглади.  
Деди: «Қолдим балога,  
Қўп оғир можарога.  
Ким бор? Ким? Бу офатга  
Айтинг, бу касофатга  
Қандай чора кўрилар?»  
Аmmo ёвуз бўрилар,  
Эркин сезиб ўзини,  
Гоҳ қўйни, гоҳ қўзини  
Бўғиб, тишлаб, қайириб,  
Бошин тандан айириб,  
Қирон сола кетдилар  
Тоза расво этдилар.  
Хатто бойнинг ўзини,

Бақрайтириб кўзини,  
Еб қўйишга сал қолди.  
Холвойга даҳшат солди,  
Шундай қилиб шу кеча,  
(Аниқ билмадим неча),  
Қирилди бирталай қўй,  
Бўриларга бўлди «тўй».  
Ерда қолди қизил қон,  
Қолди ёлғончи, нодон,  
Ерга эгиб бошини,  
Оқизиб кўз ёшини.

Одамлар бу аҳволни  
Бойда юз берган ҳолни  
Эртасига билдилар.  
Унга таъна қилдилар:  
— Зарарларинг кўп бўпти,  
Ажаб бўпти, хўп бўпти!  
Ёлғончига шу сазо,  
Ишига лойиқ жазо!

*1945.*

# Қ А С О С

## I

Гўзал Украинада  
Битта қишлоқ бор эди.  
Бир ёни сой, бир ёни  
Қалин ўрмонзор эди.

Сойда аста буралиб,  
Кумуш сув оқар эди.  
Ўрмоннинг соф ҳавоси  
Қишига ёқар эди.

Бу ерларда ёз кун  
Қушчалар сайрар эди.  
Гул очилиб ҳар ёнда,  
Болалар яйрар эди.

Бу қишлоқдан чегара  
Кўриниб турар эди.  
Даласида чўпонлар  
Қўй боқиб юрар эди.

Қишлоқнинг бир четида  
Қолялар яшар эди,  
Онласи колхозда  
Аъло ишлашар эди.

Коля синглиси билан  
Мактабда ўқир эди.  
Бўш қолганда хивичдан  
Саватча тўқир эди.

Урмонга кириб гоҳи  
Капалак қувар эди.  
Терласа сойга тушиб  
Юзини ювар эди.

Гоҳи қўлида саватча,  
Маймунжон терар эди.  
Севиниб, синглисига  
Келтириб берар эди.

Ўтар эди соз кунлар  
Хушчақчақ, ҳаловатда.  
Ўтар эди: ўқиш, иш,  
Ўйин, кулги, роҳатда.

## II

Июннинг бир саҳари  
Ухлар эди тинч қишлоқ.  
Тўлган ойнинг нурига  
Чўмиб ётарди ҳар ёқ.

Коля ширин уйқуда  
Соз тушлар кўрар эди.  
Тушида синглисини  
Гулларга ўрар эди.

Бирдан жимлик бузилди,  
Бошланди шовқин-сурон.

Кўк бағри гувилларди  
Гўё эсарди бўрон.

Гўё гулдураб осмон,  
Чақмоқлар чақар эди.  
Кимдир ўрмон ичида  
Зўр олов ёқар эди.

Чанг бурқираб, хоналар  
Гурсиллаб йиқиларди.  
Даҳшат ичра Колянинг  
Нафаси тиқиларди.

Олов, тутун, чанг, фарёд,  
Қоплаб олди ҳар ёқни.  
Йиғи, қий-чув, тўполон  
Босди бутун қишлоқни.

Тонг отиб, кейин билса,  
Бошланган экан уруш.  
Қонхўр, ёвуз фашистлар  
Юртга қилибди юриш.

Кўкдан ёғдириб бомба  
Самолётлар ўтибди.  
Бир кечада қишлоқни  
Вайрон қилиб кетибди.

Боғлар, уйлар ёнмоқда  
Олов сочиб ҳар ёнга.  
Ерда ётар ўликлар  
Беланиб қора қонга.

Кўп ҳам ўтмай қишлоққа  
Етиб келди касофат,

Етиб келди одамхўр,  
Фашист деган фалокат.

Етиб келди аждаҳо,  
Ҳар томонга ўт сочиб.  
Етиб келди ялмоғиз  
Қонли оғзини очиб.

Етиб келди ёвузлар  
Одамларни осдилар.  
Гўдакларга раҳм этмай,  
Кўкрагидан босдилар.

Қурбон, ўлжа ахтариб,  
Ҳар томонни кездилар.  
Қилич билан бош кесиб,  
Танклар билан эздилар.

Буларнинг орасида  
Бир офицер бор эди.  
Бўйи новча, бадқовоқ,  
Жуда ҳам хунхўр эди.

Уша отди отасин,  
Онасини остирди.  
Синглисини тириклай,  
Девдай танкка бостирди.

Буни кўриб Колянинг  
Ақли учди бошидан.  
Кўйлаклари ҳўл бўлди  
Кўздан оққан ёшидан.

Новча фашист уни ҳам  
Ўлдирай, деб отди ўқ.



Аммо нима бўлди-ю,  
Отган ўқи теккан йўқ.

Фашист яна ўқ узди,  
Белай, деб уни қонга.  
Аммо Коля тутқизмай,  
Қочиб кетди ўрмонга.

### III

Шундай қилиб қишлоқни  
Ёвлар хароб этишди.  
Ўлжа, қурбон ахтариб,  
Яна нари кетишди.

Қолди ерда ўликлар,  
Топталган, янчилган гул.  
Боғлар, уйлар ўрнида  
Қолди тепа, қолди кул.

Энди куйган ўрмонда  
Қушчалар сайрамасди.  
Энди гуллар теришиб,  
Болалар яйрамасди.

Сойнинг тиниқ сувлари  
Қон қўшилиб қизарди.  
Бу манзара Колянинг  
Юрагини эзарди...

Аста-аста ундаги  
Қўрқув-дахшат йўқолди.  
Қўрқув ўрнини мардлик,  
Ғазаб ва қасос олди.

У ўйлади: «Наҳотки,  
Ота-онам ўлдилар?  
Наҳотки ёв дастидан  
Чечакларим сўлдилар?»

Наҳотки севган синглим  
Мажақланди беомон?  
Наҳотки, ёв беаёв  
Отар, ёндираб ҳамон?

Мен у новча фашистни  
Ахтараман, топаман.  
Уни етган еримда  
Отаман ё чопаман».

Шу сўзларни айтди-ю,  
Коля ўрнидан турди.  
Бирор қурол топай деб,  
Қишлоқ томон югурди.

Етиб келиб қишлоққа,  
Ахтара кетди дарҳол.  
Ва ниҳоят топилди,  
Коля ахтарган қурол.

У, бир ўлган фашистнинг  
Тўппончасини олди.  
Эҳтиёт билан уни  
Аста қўйнига солди.

Новча фашистни излаб,  
Ўтди куйган боғлардан.  
Ўтди хароб қишлоқлар,  
Ўрмонлар ва тоғлардан.

Тўхтамади, йўл босди  
Душманининг қасдида.  
Ўқ солинган тўппонча  
Тайёр эди дастида.

Ниҳоят бир ўрмонда  
Новча фашист келди дуч.  
Коля дарахт ортидан  
Қўлларида йиғиб куч,

Пойлаб пешонасидан,  
Унга қараб ўқ отди.  
Новча фашист шу замон  
Қора қонига ботди.

Коля деди: «Бу синглим  
Ва онамнинг қасоси.  
Бу дўстларим, қушларим  
Ва отамнинг қасоси!

Энди қолган ёвларни  
Белагайман қонига».  
Сўнгра Коля йўл олди,  
Партизанлар ёнига.

1944.

## БАҲС

Ҳали тонг отмаган, ҳамма уйқуда,  
Чамамда мудрарди апрель гуллари.  
Юлдуз кўзларини юммаган осмон,  
Ҳали уйғонмаган боғ булбуллари.  
Баҳор оғушида дам олар эди  
Олтин чироқларга кўмилган шаҳар,  
Хўрозлар қичқирмай, сайрамай қушлар,  
Уфқ бўзармасдан, бошланмай саҳар,  
Бирдан ҳамма ёқни даҳшатга солиб  
Ер ларзага келди, машъум гувиллаб...  
Гўё бир балони сезгандай бўлиб,  
Буқалар бўқирди, итлар увиллаб.  
Эшиклар ғижирлаб, шифтлар қисирлаб,  
Уйлар бориб келди беланчаксимон.  
Ойналар шарақлаб, томлар тарақлаб,  
Деворлар қулади кўтариб тўзон.  
Одамлар даҳшатда, чуввос кўтариб,  
Бош яланг, сарпойчанг кўчага чопди.  
Эшиги очилмай баъзи уйларнинг,  
Ичида одамлар қамалиб қопти...  
Электр симлари узилиб кетиб,  
Қоронғилик босди шаҳарни бирдан.  
Шу дам хаёлимга минг хил ўй келди,  
Миям ёрилгундек машъум фикрдан:

— Нима бало бўлди? Нима ҳодиса?  
Енғин бошландими? Сел югурдими?  
Шаҳарни учириб кетгудай бўлиб  
Довул қўзғолдими? Бўрон юрдими?  
Осмон қуладими? Ер ёрилдими?  
Ёнартоғ чиқдими, сачратиб олов!  
Ёки ёрилдими атом бомбаси?  
Гўзал шаҳримизни босибдими ёв?  
Зулмат қопладими ёруғ оламни?  
Қиёмат кўпдими? Босдими вабо?  
Ёки тугадими ердаги ҳаёт?  
Охир замон деган шумикан ва ё?

Гўё қушхонага борган ҳўкиздай  
Мисли йўқ даҳшатдан қалтирайди ер.  
Нега юрак ўйнар, ҳалқумим қуриб?  
Нега пешанамни босар совуқ тер?!

Ҳа, азиз ўқувчим, бу даҳшатли он,  
Бу машъум манзара неча-неча бор  
Қаламга олинган, тасвир қилинган.  
Аммо эсимизга тушар ҳар баҳор,  
Ерга тўшалганда сабза гиламлар  
Кўзни ўйнатганда апрель гуллари.  
Эсимизга тушар ўша палла тонг,  
Нола қилганида боғ булбуллари.  
Эслаймиз тараса сунбуллар сочин  
Баҳор қуёшининг олтин тароғи.  
Беихтиёр ўша даҳшатни эсга  
Солар календарнинг қора варағи...

Ўша апрель тонги тошкентликларнинг  
Хотираларидан чиқмас умрбод!

Ҳар апрель қулоғим тагида янграр,  
Ушанда даҳшатдан кўтарилган дод.  
Кўз олдимдан кетмас ўша паллада  
Йиқилган деворлар, бурқираган чанг.  
Хотиримдан чиқмас ўша онданоқ  
Янги Тошкент учун бошланган зўр жанг!

Ҳамон икки наъра — мунозара, баҳс  
Эшитилган каби бўлар қулоққа.  
Зиязила эслатар харобаларни,  
Тошкент имо қилар гуллаган боққа.

#### З И Л З И Л А С У З Л А Й Д И:

Юз йилча куч тўплаб яширин, зимдан,  
Яна пайдо бўлдим остингда, эй, Шош!  
Қаҳримни сездингми? Аҳволинг қалай?  
Бера оласанми зарбамга бардош?!  
Уша зилзиламан, даҳшатли, хавфли,  
Ерни чок-чокидан сўккан беомон!  
Зарбимдан дарёлар тескари оқар,  
Тоғлар букилади, тош бўлар талқон!  
Мен, ўша, омонсиз, чорасиз бало,  
Ерни остин-устин қилган забардаст!  
Мен, ўша, шафқатни билмайдиган куч,  
Шаҳар, қишлоқларни бузишда чабдаст!

#### Т О Ш К Е Н Т С У З Л А Й Д И:

Биламан, вайсама, дағдаға қилма!  
Мен, ўша, қадимий, муҳташам Шошман!  
Қариган, енгаман, деб ўйламагин,  
Минг йил яшасам ҳам навқирон, ёшман!

Керилма, чиранма, ҳужумларинг пуч,  
Зарбинга чидайман харсанг қоядек.  
Йўқ сенда, зилзила, мени енгар куч,  
Остимда қоласан кечки соядек!

**З И Л З И Л А   С У З Л А Й Д И :**

Шунча ҳам фаромушхотирмисан, а?  
Ёдиндан чиқдими аввалги зарбам?  
Аммо бу галгиси тенги йўқ даҳшат!  
Бир тотиб кўрасан бу зарбамни ҳам!  
Илож тополмайсан менинг зарбамга!  
Бу айтган гапларим эсингда турсин!  
Чунонам урайки, абжафинг чиқиб,  
Арвоҳинг фалакда чирқираб юрсин!  
Остимга босаман тоғ бўлиб чиқиб,  
Лова бўлиб чиқиб ютаман сени!  
Ким шак келтиради қудратимга, ким?!  
Жаҳаннам қаърида кутаман сени!

**Т О Ш Қ Е Н Т   С У З Л А Й Д И :**

Овора бўласан, кулги бўласан!  
Кенг жаҳон олдида чиқар шарманданг!  
Яширин, тўсатдан зарб бериб, номард,  
Қилмоқчи бўлдингми мени ҳангу манг?  
Уйқуда ётганда зимдан зарб берсам  
Ғафлатда қолар, деб ўйладинг чоғи?  
Янглишдинг, хушёрман, дадил турибман,  
Хонадонларимнинг ўчмас чироғи!

**З И Л З И Л А   С У З Л А Й Д И :**

Бунча пурвиқорсан! Бунча мағрурсан!  
Ғапимга ишонгинг келмади, чоғи!

Бундан юз йил аввал берган зарбамнинг  
Ҳали ҳам турибди кўксингда доғи.  
Бундан юз йил олдин зарб берганимда  
Эллик йил ўзингга келолмагансан!  
Уйларингни тутдай тўқдим ўшанда,  
Хуружимга илож қилолмагансан!  
Ярим аср ерда хок бўлиб ётдинг,  
Харобаларингдан юксаларди дод.  
Менинг назаримда ўшандан бери  
Осмонингда кезар нолаю фарёд.  
Эндиги зарбамдан, аминман, сендан  
Ному нишон қолмас! Йўқолар аслинг!  
Энди хайр-маъзур, хариталардан  
Ҳатто, номингни ҳам тополмас наслинг!

#### ТОШКЕНТ СУЗЛАЙДИ:

Оғзингга дард тексин! Нафасинг ўчсин!  
Жуда катта кетдинг, кекса жодугар!  
Ҳа, сени эскидан биламан, сенинг  
Қилмишинг ва турган-битганинг зарар!  
Эсимдан чиққан йўқ, юз йил муқаддам,  
Бошимга солганинг қора кун, даҳшат.  
Ерни қалтиратди, элни йиғлатди  
Ўшанда хуружинг келтирган ваҳшат!  
Ўшанда қўрққаним, нолиганим рост,  
Унда ёлғиз эдим, нотавон эдим.  
Хужумингга қарши чора тополмай  
Кўзи гирён эдим, бағри қон эдим.  
Ҳозир бошқа замон! Якка эмасман,  
Дўстларим жуда кўп, бахтимга ёрман!  
Ленин қуёшидан баҳраманд бўлиб  
Гуллаган бўстонман, сўлмас баҳорман!  
Гўзал Москванинг дўсти, иниси,



Шарқнинг машъалиман, сўнмас қуёшман!  
Дўстлар даврасида қадрини топган  
Ҳамиша навқирон, ҳамиша ёшман!  
Юз йил ер остида мудраб ётиб, сен,  
Замондан орқада қолиб кетибсан.  
Ўтмишда устимдан ҳокимлигингни,  
Тушунмай, ҳозир ҳам даъво этибсан!  
Ҳа, кесилиб кетган сен кўрган толлар,  
Баҳодирлар яшар бизнинг замонда.  
Минг бало келса ҳам даф этиб, енгиб,  
Халқимиз яшайди омон-омонда.  
Келажакни равшан кўрсатиб турган  
Дўстлик машъали бор қўлларимизда.  
Ҳеч қандай таҳлика, ҳеч қандай офат  
Тўғон бўлолмайди йўлларимизда.  
Дўстлик анъанамиз, фазилатимиз,  
Дўстликда кучимиз, дўстликда иқбол.  
Бизни енгаман, деб овора бўлма,  
Айтган гапларимни яхши уқиб ол!

### З И Л З И Л А   С У З Л А Й Д И:

Уйлама гапимга лаққа тушди, деб,  
Аҳду паймонимда маҳкам тураман!  
Бир зарба чидасанг, минг зарб бераман,  
Остингдан ураман, даврон сураман!  
Беҳуда гап билан мени чалғитма,  
Мен ўз ниятимга, шаксиз, етаман.  
Кулингни кўкларга совуриб тамом,  
Сени хароб этиб, сўнгра кетаман!  
Ана, боқ, зарбимга бардош беролмай,  
Кекса деворларинг ёрилиб кетди.  
Мўриларинг учиб, томларинг қулаб,  
Хок бўлиб тупроққа қорилиб кетди!

Кетма-кет зарб бериб, битта қолдирмай,  
Кўҳна уйларингни бир-бир йиқаман!  
Ҳали ҳам кучим кўп, ҳали ҳам зўрман,  
Бу гал ҳам шубҳасиз, ғолиб чиқаман!

#### ТОШКЕНТ СУЗЛАЙДИ:

Ҳа, нураган уйлар, эски деворлар,  
Ногихон зарбингдан қулади, холос.  
Янги уйларимга тишинг ўтмади,  
Янги уйлар янги замонамга хос.  
Сен агар бир уйни йиқсанг, ўрнига  
Юз уй қад кўтарар, муҳташам, кўркам!  
Минглаб янги шаҳар қуришга қодир,  
Улуғ Октябрдан куч олган ўлкам.  
Тузалиб кетади жароҳатларим,  
Мен якка эмасман, дўстларим беҳад.  
Гуллаб, бир хуснимга юз хусн қўшиб,  
Дўстлар ёрдамида кўтараман қад!  
Эшитяпсанми, кўп фурсат ўтмай,  
Ёрдамга қўл чўзган дўстлар садосин?  
Ҳадемай қурилиш шовқини қоплар  
Баҳодир ўлканинг арзу самосин.  
Машина, самолёт, поездлар билан  
Юк оқиб келмоқда — қурилиш юки.  
Ғишт, цемент, мих, темир, асбоб-ускуна  
Келмоқда пайдар-пай! Боиси шуки: —  
Дўстлар ташламайди дўстларни ҳеч вақт  
Қора кун тушгудай бўлса бошига.  
Бир имо, илтижо қилиндими, бас,  
Дўстлар етиб келар дўстлар қошига!  
Бу — дўстлик қонуни! Дўстлик бор экан  
Бизни енголмайди ҳеч қандай офат!

Мақол бор: яхшидан яхшилиқ қолур,  
Ёмондан касофат, дўстдан шарофат!  
Биттадан ғишт қўйса, агар дўстларим,  
Бир ойда бир бино муҳайё, тайёр!  
Бир йилдан, уч йилдан кейин келиб кўр,  
Менинг жамолимни, ёсуман, айёр!  
О, ўшанда менинг ҳусну жамолим  
Юз карра ошади, минг карра ошар.  
Ҳашаматли уйлар, олий саройлар,  
Боғларда бахтиёр одамлар яшар.  
Гулларга кўмилган хиёбонларим,  
Кенг кўчаларимдан ўтсанг ўшанда!  
Мени соғ-саломат, навқирон, гўзал  
Кўриб бўлар эдинг роса шарманда!  
Уйинингни бас қил, остимдан келиб,  
Кўп сузавермагил, мугузинг синар.  
Аминман, зилзила, вақт ўтган сайин,  
Дармонинг қуриydi, хуружинг тинар.  
Сўзимга киргину дағдағадан туш,  
Қиличингни солгил қайта қинига.  
Қулоқ солмагани қаҳрамон халқим  
Киргизиб қўяди чиққан инига!

### З И Л З И Л А   С У З Л А Й Д И:

Бу биринчи зарбам, бу ҳали ҳолва!  
Даҳшатлироқлари кейин келади.  
Менинг гапларимга кирмаганларнинг  
Аҳволи жуда ҳам қийин бўлади.  
Юз йил куч тўплашим беҳудамиди?  
Ҳали отадиган ўқим беҳисоб!  
Барибир пайингни қирқаман, Тошкент,  
Менинг хуружимга беролмайсан тоб!

## ТОШКЕНТ СУЗЛАЙДИ:

Кўп ўжар экансан, гапга кирмадинг,  
Майли, беллашайлик, кучингни кўрсат!  
Мен голиб чиқаман! Кўрасан! Қани,  
Жангга киришайлик, ўтмасин фурсат!..

Бу баҳс, бу тўполон, бу шовқин-сурон  
Ҳамон қулоғимнинг тагида янграр.  
Кўз олдимдан кетмас ўша машъум тонг,  
Ўтган бўлса ҳамки саноқсиз тонглар...  
Уша воқеага уч йилча бўлди,  
Кўпдандир ҳал бўлган у тарихий баҳс.  
Оро бермоқдадир янги Тошкентга  
Ҳар бир ватанпарвар, ҳар ҳимматли шахс.  
Тонгда кўчаларни кезиб юраман,  
Янги биноларнинг ҳуснига боқиб.  
Қурувчилар борар муқаддас ишга  
Равон кўчалардан дарёдай оқиб.  
Новча кранларнинг ажойиб рақси  
Мафтун этар, узоқ қараб тураман.  
Янги хиёбонлар, янги боғларни  
Бирма-бир айланиб, кезиб юраман.  
Ранг-баранг гулларнинг атрига тўйиб,  
Фахр ила ўтаман Ленин паркидан.  
Бахтиёр гўдаклар кулиб боқади  
Чиройли уйларнинг шинам аркидан.  
Уйлар қад кўтарар басма-бас ўйнаб,—  
Қурилиш, қурилиш соғу сўлимда.  
Москва, Киевдан, Ленинграддан  
Келган қурувчилар учрар йўлимда.  
Фрунзе, Ашхобод, Ереван, Боку,  
Ригадан, Вильнюсдан келганлар ҳам бор.  
Уларга минг таъзим, минг-минглаб олқиш!

Улар ака-ука, иноқ дўст, ҳамкор!  
Менга кўп ёқади сонсиз ҳавоза,  
Улуғ қурилишнинг ўчмас шовқини.  
Журъат ҳам зиёда, суръат ҳам катта,  
Янги бир нишоот тайёр ҳар кун!  
Юк машиналари учар пайдар-пай,  
Қурилиш саҳнидан кўтарилар чанг.  
Мени бениҳоя хурсанд қилади  
Янги Тошкент учун бўлаётган жанг!  
Гўзал кварталлар оға-инидек,  
Ёнма-ён турибди, тўкишиб савлат.  
Уч йилда минг йилнинг ишини қилдик,  
Бу катта жасорат, бу катта давлат!

Енгилган зилзила бошини эгиб,  
Қиличини солди қайта қинига.  
Қалтак еган итдай думини қисиб,  
Қайта кириб кетди чиққан инига!

Тошкент енгиб чиқди тарихий баҳсда,  
Энди бу ғалаба қуёшдай равшан.  
Гуллайвер, яшнайвер, яшайвер мудом,  
Тошкент деб аталган муқаддас гулшан!

*1966 — 1969.*

# Х А Ё Л Л А Р...

## 1. ҚУҚОН

Қўқон дилбар шаҳар, файзи бўлакча,  
Кўп ҳузур қиламан ҳар келганимда.  
Бу ерда аҳли табъ беҳисоб — ҳар гал,  
Камида бир шоир бўлар ёнимда.

Ҳа, Қўқон шоирлар макони, кони!  
Шундай деб айтишга қилолдим журъат.  
Шу чаман раъноси эди Нодира,  
Шу боғда сайраган Муқимий, Фурқат.

Шу боғда куйлаган Завқий завқ билан,  
Шу боғда созланган Ҳамзанинг сози.  
Илк бор Амин, Собир, Усмон, Темурнинг  
Шу боғдан юксалган тотли овози.

Ҳа, жуда кўп шоир ўтган Қўқонда,  
Шарт эмас барини санаб ўтишим.  
Аммо бу шаҳарга келганда ҳар гал  
Шоирларни эслаш одатий ишим.

Шеърый ўтмишимиз манбаларга бой,  
Гўзал Қўқон эрур шулардан бири.  
Шу ерда вояга етган шоирлар,  
Шу ерда очилган шеърят сирини.

Умрида неча бор шеърин чаманга  
Хушхон булбулларни йўллаган бу боғ.  
Меҳру шафқат билан тарбият қилиб,  
Талай истеъдодни қўллаган бу боғ.

Илк бор илҳом солди яшнаган Қўқон  
Амин Умарийнинг жўшқин дилига.  
Мазмун бағишлади, олов бахш этди  
Усмон Носирийнинг ширин тилига.

Шубҳасиз, шу боғнинг шарбатидандир  
Собир ғазалига қотишган шира.  
Қўқонга келганда соҳиби қалам —  
Чархийни унутиб бўларми сира?

Бу ернинг чароғон кўчаларини  
Неча бор айланган мавлоно Ғафур.  
Шеърга ихлосманд бўлишганидан  
Қўқонлик дўстларнинг юзида гурур...

Бу сахий тупроққа устозларимиз  
Эзгу шеърятнинг уруғин эккан.  
Бу ерда жуда кўп муқаддас жой бор  
Не-не азизларнинг қадами теккан.

Ана, Муқимийнинг машҳур хужраси,  
Ана, Завқий кўк чой ичган самовар.  
Ана, шоир Фурқат кезган хиёбон,  
Ана, Нодирамиз кўмилган мозор.

Ана, устоз Ҳамза ўйнаган сахна,  
Ана, Темур Фаттоҳ ўқиган мактаб.  
Шоирлар шаҳари бўлган Қўқонни  
Арзийди кўкларга кўтарсам мактаб.

Фақат шугинами, дерсиз, Қўқоннинг  
Шухрати, бойлиги, фазилатлари?  
Йўқ, улар беҳисоб, бениҳоядир,  
Олимлар тилидан айтилган бари.

Мен фақат беҳисоб фазилатларнинг  
Жиндагинигина шеърга солдим.  
Шоир бўлганимдан кечиринг мени,  
Шоирларнигина оғизга олдим.

## II. Ч А Р Х И Й

Муқимий ўрнида муқимдир Чархий,  
Унга бу меросни бахш этган замон.  
Устоз ҳурматини сақлаб, ҳужрада  
«Чироғи»ни ёқиб ўтирар ҳамон.

Ўзи озғингина, жуссаси кичик,  
«Муқова»си унча хушбичим эмас.  
Агар учраб қолса унга, дафъатан,  
Танимаган одам шоир ҳам демас.

Аmmo бу кичкина, озғин одамнинг  
Ичи тўла шеър, ичи тўла дур.  
Булбулга панд берур шеър айтганда,  
Ширин ғазаллари эл аро машҳур.

Сехрлаб олгучи ўз шеъри билан  
Нозик адоларнинг биридир Чархий.  
Шакар гуфторларнинг шакар гуфтори,  
Ғазалнинг устаси, «пири»дир Чархий.

У айтган ғазаллар мазмундор, ёниқ,  
Дилнавоз, ёқимли, чуқур, мазали.



Боиси шу эрур, шоир Чархийнинг  
Ҳофизлар тилидан тушмас ғазали.

Истараси иссиқ, суҳбати ширин,  
Сертабассум, нозик, овози майин.  
Муомала қилар одоб билан у  
Қамтарликни асло канда қилмайин.

Муқимий ўрнида муқимдир Чархий,  
Муқимий қалами моҳир қўлида.  
Ғазалхон халқига хизмат қилгали  
Туну кун машғулдир ижод йўлида.

### III. МУ Қ И М И Й

Уй олиб кетади мени узоққа,  
Кўз олдимда ўтмиш жонланар яна.  
Қулоққа ўтмишнинг овози келар,  
Илтимос, жим бўлинг! Кўз солинг! Ана:

Хужрада шам ёнур мунғайиб, тутаб,  
Шамдонга оқизиб қайноқ ёшини.  
Оғир ўйга чўмган шоир Муқимий,  
Тиззасига қўйган ғариб бошини.

Уйлари қўрғошин, ўйлари оғир,  
Қалбини кемирар бир дунё алам.  
Дардини айтмоқчи бўлади элга,  
Ердамга келади сиёҳ ва қалам.

Гўё қон томади қалам учидан,  
Қалам тўкиб солар бутун дардини.  
Оқизиб кетгандай бўлади сиёҳ  
Шоир қалбидаги хўрлик гардини.

**«Чархи кажрафторнинг шеваасидан доғ»,  
Муқимий даврида бўлмади шодон.  
Уни хўрлар эди ҳар бир бетамиз,  
Уни ранжитарди ҳар битта нодон.**

**Амалдорлар зулми жонига теккан,  
Тинкани қуритган муллолар дўқи.  
Бойлар, «чойфуруш»лар озор беришган,  
Бағрини қон қилган ҳақорат ўқи.**

**«Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,  
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман».**

**Шоир ўй ўйлайди танҳо ўтириб,  
Тагида кўрпача, ёнбошда болиш.  
Юпатмоқчи бўлар ўзини ўзи:  
«Яхши эмас асло тақдирдан нолиш!»**

**Аммо кўнгил қурғур юпанмас сира,  
Кўзига ёш келур сўрамай-нетмай.  
Кўнгли жуда ҳам ғаш, жуда ҳам хира,  
Ғам эзар дилини ҳеч шафқат этмай.**

**Йиғлаб туриб кулган шоир Муқимий,  
Юзида табассум, кўзларида ёш.  
Муҳаббат аҳлига кулиб қараса,  
Золимга отгали тайёрлаган тош.**

**Шоир қўлидаги ҳажвия тоши  
Ёвузларга ўқдан, найзадан ёмон.  
«Чойфуруш», «авлиё», «баччағар» ларга  
Шоир ҳажвияси бермаган омон.**

Расо шиббалади «танобчи» ларни,  
Лунжига туширди «маскопчи бой» нинг.  
Умрбод кетмайди қораси, доғи  
Амалдор юзига чапланган лойнинг.

Шундай пайтда шоир енгил тортади,  
Табассум югурар ғамгин юзига.  
Рақиблар устидан кулган дамларда  
Равшанроқ кўринар олам кўзига.

Ҳажвияга солар бутун нафрати —  
Бутун ғазабини, бутун кучини.  
Шармандаларини чиқариб, кулиб,  
Разил одамлардан олар ўчини...

Атрофга кўз ташлар хаёл аралаш,  
Атроф ғира-шира, ним қоронғилик.  
Ҳужра совиб кетган, жунжийди шоир,  
Фақатгина танча бир қадар илиқ.

Қозиққа илинган малла тўн, салла,  
Декчада биқирлаб қайнайди шўрва.  
Бир ёнда ётибди бир боғ тараша,  
Бир четда ётибди бўшаган тўрва.

Ғарибона ҳужра, фақирона уй,  
Нима қилсин шоир, бори шу бўлса?  
Ва лекин жаннатга айланар ҳужра  
Шоирлар, ёронлар, аҳбоблар тўлса.

Нега улар бугун кечикди бунча?  
Фурқат қайда қолди? Нисбатий қани?  
Завқий, Фарзинча йўқ, созандалар йўқ,  
Келишса қизирди суҳбат гулшани.

Ана, эшитилди оёқ товуши,  
Ҳа, дўстлар келишди, ҳа, жамоат жам.  
Ҳужрага киришар азиз меҳмонлар,  
Аския айтишиб кулишиб, хуррам.

Дўстлар қучоқлашар, кўришар, мамнун,  
Мезбон дер:—«Марҳамат, қани, ўтиринг!»  
Меҳмонлар ўтирар давра олишиб,  
Ҳужрада бошланар ажойиб гурунг.

Созанда, шоирлар, аскиячилар  
Сухбатга қотишар навбат-банавбат.  
Завқий кулдиради ҳажвия айтиб,  
Янги ғазалини ўқийди Фурқат.

Сухбатга қўшилар аскиячилар,  
Тортишар, чандишар яккама-якка.  
«Даҳанаки» жангдан ҳузур қилишар,  
Қийқириқ, кулгилар етар фалакка.

Сўнг шоирлар кезар шеърӣ чаманни,  
Бирма-бир туғилар ишқий ғазаллар.  
Бу нозик адолар айтган ғазалда  
Мукаммал васфини топар гўзаллар.

Муҳаммас боғлашар, ғазал тўқишар,  
Баҳрибайт айтишар шакар гуфторлар.  
Авжига чиқади мунозара, баҳс,  
Сўнг ишга тушади танбур, дуторлар.

«Чоргоҳ» айтилади, «Шаҳноз» айтилар,  
Ларзага келади мудраган само.  
Ёқимли, оташин музика янграп  
Эзилган дилларга тўлдириб сафо.

Фарзинча олади қўлга созини,  
Жон олғучи фарёд юксалар создан.  
Тўлғонишиб тинглар шинавандалар  
Руҳлар енгил тортар баланд парвоздан.

«Ол хабар», «Ақлу хуш учди бошимдан»—  
Ҳофизлар завқ билан айтишар ялла.  
Шоир Муқимийни олқишлаб, дўстлар  
Ҳужрадан тарқашар тун оққан палла.

Яна ёлғиз қолар шоир Муқимий,  
Яна ҳужрасига сукунат чўкар.  
Қамиш қаламини олиб қўлига  
Дарду аламини қоғозга тўкар...

Яна ўй ўйлайди, ўйи узоқда,  
Замон исканжаси босар кўксидан.  
Орзулар кишанда, умид тузоқда,  
Шоир замонидан жуда ўксиган.

Мавлоно, дам олинг, мен ҳам дам олай,  
Тонг ёришиб қолди, чиқмоқда қуёш!  
Муқимий боқади ўтган асрдан,  
Юзларида ғусса, кўзларида ёш...

#### IV. НОДИРА

Саломат бормисиз, Нодирабегим?  
Сизни йўқлаб келдим бошқа асрдан.  
Нимагадир кўргим келади сизни,  
Менга назар ташланг олий қасрдан.

Жуда интизорман назарингизга,  
Мени асир этсин сеҳргар кўзлар.

Менинг юрагимга олов ташлаган  
Ғазалингиздаги оташин сўзлар...

Мени бошлаб келди ҳузурингизга  
Шеърят севгиси, ғазал севгиси.  
Булбулни чаманга бошлаб келгандай  
Ғунча табассуми, гуллар кулгиси.

Бир кун боғингизда меҳмон бўлайин,  
Бугина хоҳишим, шугина зорим.  
Шеърингизни тинглаб ўз оғзингиздан  
Пича роҳат қилай, чиқсин хуморим.

Айтинг, жой қилишсин чаман саҳнига,  
Айтинг, қанизаклар яхши кутишсин.  
Айтинг, созандалар соз чалиб берсин,  
Айтинг, раққосалар ўйинга тушсин.

Баъзи жамшидингиз авжига чиқсин,  
Ҳайрат бармоғини тишласин фалак.  
Бир коса май нчсам ўз қўлингиздан,  
Шеърят боғида етилган малак!

О, бекам, кечиринг, агар сўзларим  
Малол келган бўлса қайтариб олай.  
Майли, ўз асримга қайтайин, фақат,  
Аввал ёнингизда бир нафас қолай.

Бир нафас термулай жамолингизга,  
Ойдек юзингизга тўяй бир нафас!  
Аммо сиз дегандай бўласиз менга:  
«Кенг дунё мен учун мисли тор қафас!»

Дарҳақиқат, нега кўзингизда ёш?  
Дарҳақиқат, нега хафасиз, бекам?  
Нега қалбингизда кезар изтироб?  
Нега юзингизга соя солмиш ғам?

Қайси бир бераҳм, қайси бир жаллод  
Ҳаловатингизни ўғирлаб олган?  
Ёки «ичкари» нинг ҳақоратими  
Гулдек қалбингизга изтироб солган?

Ким сизни ранжитди? Ким озор берди?  
Ёки амир Умар хафа қилдими?  
Ё севги боғини босдими хазон?  
Бағрингизни ҳижрон тиғи тилдими?

Ва ё юртга қўшин тортмоқчими ёв?  
Юриш қилмоқчими қутурган хонлар?  
Яна юрт бошига офат ёғилиб,  
Яна оқмоқчими бегуноҳ қонлар?

Кимнинг ҳадди сиғди сизни хўрлашга?  
Ё ғамнинг боиси халқ фарёдими?  
Эзилган, хўрланган бенаволарнинг  
Кўкни қалтиратган оҳи, додими?

Нега индамайсиз? Нимага жимсиз?  
Нима учун жавоб бергингиз келмас?  
Ёки индашга ҳам эрк бермайдими  
Азалдан дунё деб аталган қафас?

Қўлда девонингиз, боядан бери  
Боғда мутолаа қилиб юрибман.  
Оташин ғазалдан ёнган дилингиз  
Кўриниб турибди, кўриб турибман.

**Сиёҳ билан эмас, гўё қон билан  
Ёзилганга ўхшар шеърлар бутун.  
Гўё қон тирқирар мухаммаслардан,  
Гўё ғазаллардан бурқирар тутун.**

**«Нодира, булбул каби то нола иншо айладим,  
Навбахор ўтди, хазон ўлди гулистон оқибат».  
«Фалакдин ўтди фиғоним, қуёшга етди уним,  
Ҳануз, Нодира, кам бўлмади бу оҳу наво».**

**«Нодира, оҳим синонидин таваҳҳум тортибон  
Чарх майдонидадир чобуксуворий офтоб».  
«Гули савсан очилди, бенаволик қилма, эй булбул,  
Чаманда Нодира ашъори бирла нолаю зор эт».**

**Ахир, булар сизнинг фарёдингиз-ку!  
Қандай сиғди дилга шунча кўп фиғон?  
Қалбимга томгандай бўлади гўё  
Сатрларингиздан томчилаган қон...**

**Куйиб кул бўлмасин фалакда қуёш,  
Оҳу нолаларни бир оз камайтинг!  
Бу аччиқ, дил эзар нолаю зорнинг  
Боиси нимада, ростини айтинг!**

**Қилолмадингизми балоларни даф?  
Ахир, маликаси, элнинг хонисиз!  
Ахир, ҳамма нарса қўлингизда-ку!  
Юртнинг ҳокимисиз, ҳукмронисиз!**

**Ҳамма амрингизда, ҳамма бўйсунар,  
Ҳаммага вожибдир сиз берган фармон.  
Ҳамманинг умиди сиздадир, сиздан  
Ўзгалар ахтарар дардига дармон.**



Аммо, ҳамманинг ҳам дардидан кўпроқ  
Узингизни эзиб, янчиб ётган дард.  
Шодлик кафанидир ғусса чангидан  
Гулдек қалбингизга қўнаётган гард.

Чўри аёлларнинг дардидир, балки,  
Мушфиқ дилингизда қалашиб ётган.  
Балки, катта, асрий фожиаларнинг  
Давосиз дардидир сизни йиғлатган.

Балки, даврингизда алангаланган  
Зулмнинг учқуни тушгандир дилга.  
Балки, ғарибларнинг оҳу ноласи  
Шеърингиз орқали киргандир тилга.

Ҳа, бекам, сиз умр сурган асрда  
Амир Насруллолар ҳукмрон эди.  
Авжига чиққанди ҳақорат, зулм,  
Мазлум халқимизнинг бағри қон эди.

Сиз элга қанчалик яхшилик қилманг,  
Мўлжалга етмасдан кетарди елга.  
Сиз яшаган тузум, сиз яшаган давр  
Мурувват кўргаза олмасди элга.

Сизнинг даврингизда халққа нисбатан  
Адолат тангриси кўр эди, бекам.  
Золимлар зулмига гирифтор бўлган  
Халқнинг пешонаси шўр эди, бекам.

Даврингизда йўқсул, бенаволарга  
Ўз уйи, ўз юрти гўр эди, бекам.  
Сиз зулмни енгмоқ истагандирсиз,  
Аммо зулм сиздан зўр эди, бекам.

Элга мурувватни раво кўрмасди  
Сизни дорга осган шафқатсиз замон.  
Балки ўзингиз ҳам сезарсиз буни,  
Инсон учун қуллик ўлимдан ёмон.

Етим-есирларнинг аҳволига вой,  
Юрт бўйлаб қашшоқлик, очлик кезади.  
Қишлоқлар харобу кулбалар вайрон,  
«Хапалак»лар гами дилни эзади.

Эл қўрқар бекларнинг ҳар қадамидан  
Бир бало, бир офат, фалокат сезиб.  
Эл омонлик истаб, тинчлик ахтариб  
Дарбадар бўлади юртидан безиб.

Балки, ўзингиз ҳам биларсиз буни,  
Айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмас.  
Балки, сиз башқача фикрдадирсиз,  
Айтган гапларимга кўнглингиз тўлмас.

Унда кўнглингизга олманг сўзимни,  
Мен фақат дилдаги гапларни айтдим.  
Сизнинг қон йиғлаган замонангиздан  
Ўзимнинг бахтиёр асримга қайтдим.

Мени бунда баҳор, чаман кутади,  
Мени бунда тинчлик, озодлик кутар.  
Мени бунда меҳнат, ижод, шеърят,  
Ғалаба, тантана ва шодлик кутар.

Обод қишлоқларни айланиб юриб  
Хурсанд бўлганимдан ҳайқиргим келур.  
Бир нафас қайғудан озод бўлинг деб,  
Сизни ҳузуримга чақиргим келур.



Аммо келолмайсиз, минг афсус, афсус!  
Лекин китобингиз тушмас қўлимдан.  
Ғазалларингизни ўқишиб ўтар  
Замона қизлари соғу сўлимдан.

Булар набиралар, шеър ошиқлари,  
Ғазалларингиздин жавоҳир излар.  
Булар замонамнинг комидалари,  
Нодираи даврон аталган қизлар...

## V. Х О Т И М А

Хаёл яна олиб кетмоқчи, аммо,  
Жиловини тортдим эркига қўймай.  
Шунча сайр этганим етар ўтмишни.  
Боқаман бугуннинг ҳуснига тўймай.

Мени мафтун етар бугуннинг ҳусни,  
Шараф, бахт кўзгуси аталган юртим...  
Кундан-кун чиройи тўлишаётган  
Шоирлар шаҳрини айланиб юрдим.

Фурқат кўчасини кездим қайтадан,  
Муқимий богида ўтирдим бир оз.  
Музыка янграйди аллақайлардан:  
Айтилар «Ол хабар», айтилар «Шаҳноз».

Ўтмишни ёдидан чиқармас халқим,  
Шонли аждодларни унутмас сира.  
Ота-боболарнинг олтин мероси  
Замонлар зангидан бўлмагай хира.

Муҳаббатимизнинг рамзи эмасми  
Аждодлар ёдига қўйилган ҳайкал!

Доно давлатимиз, ғамхўр халқимиз  
Шеърятимизга бермакда сайқал.

Тозалаб табаррук саҳифаларни  
Ўтмиш асрларнинг қалин чангидан,  
Мангу ҳаёт бердик — нодир асарлар  
Худди туғилгандай бўлди янгидан.

Янгидан нур сочар гулшанимизга  
Шеърят кўкида ёнган чироқлар.  
Олимлар номида мактаб, музейлар,  
Шоирлар номида кўчалар, боғлар.

Минг баҳор ҳуснини ўзида жамлаб  
Маданиятимиз кўтармоқда қад.  
Мармар лавҳаларга ўйилган номлар  
Сўнмас шонимизни эслатар абад.

Атир пуркагандай бўлар думоққа  
Яқинлашиб қолган баҳорнинг ели.  
Бошимда туғилар янги мисралар,  
Юракни босади ҳаяжон сели.

Ҳа, тиним билмасин ҳаяжон сели,  
Қалбим илҳомини босмасин мудроқ.  
Бир нафас ҳам бекор ўтмасин умр,  
Иш учун яралган истеъдод, идрок.

*1968. Январь  
1969. Февраль  
Қўқон— Тошкент.*



## МУНДАРИЖА

5	Март кунларида
10	Колхозчи қиз
15	Жонтемир
25	Коммунизмнинг гул боғларига
31	Шунинг ишқи
38	Уфа йўлида
44	Гуласал
52	Киров тирик
58	Украина еллари
78	Мирза Ҳамдам
88	Вафо
105	Ёлгончининг жазоси
109	Қасос
116	Баҳс
126	Хаёллар

*На узбекском языке*

# УЙГУН

## ДАСТАНЫ

\*

Редактор ОМОН МАТЖОН  
Рассом Н. ҲОЛИҚОВ  
Расмлар редактори Г. ФРОЛОВ  
Техн. редактор Т. МИРҚОСИМОВ  
Корректор М. ОРИҲЖОНОВА

\*

Босмахонага берилди 26/V-1971 й.  
Босишга рухсат этилди. 16/XII-1971 й.  
Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 4,5.  
Шартли босма л. 6,3. Нашр л. 5,4.  
Тиражи 20000. Р. 18835  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома № 135—70.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети  
Матбуот Давлат комитетининг  
Тошкент полиграфкомбинатида  
№ 1 қорозга босилди.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Заказ № 1041 Баҳоси 79 т.

Ўз  
У35

Уйғун.

Достонлар, Т., Адабсанъатнашр, 1972.  
144 бет. Тиражи 20000.

Уйғун. Дастаны.

№ 21—71

Навойи номли ЎзССР Давлат  
кутубхонаси.

Индекс 7-4-3

Ўз 2

